O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 11 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 71 (7474)

Da'vat

Agar aqlli bo'lishni istasang, hikmat o'rgangilki, aql hikmat bilan kamol topadi.

KAYKOVUS

Ibrat

Farg'ona viloyati teleko'rsatuv va radio eshittirish kompaniyasi (raisi Homidjon Abdurahimov) Farg'ona tumanining Shohimardon qishlog'idagi 1-umumta'lim maktabi o'g'il-qizlariga 476250 so'mlik badiiy kitoblar hamda o'quv qurollari hadya etdilar.

ТОШКЕНТДА КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ



1994

Чак АДАМС



1995

Карим АЛАМИ



1996

Феликс МАНТИИЯ

1997-1998

Тим ХЕНМЕН



1999

Николас КИФЕР

2000-2001

Марат САФИН

2002

?

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро теннис турнири бошланди. Шу муносабат билан нафақат пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз катта теннис шукуҳи билан яшамоқда. Бир неча йилдан буён зўр муваффақият билан ўтказиб келинаётган мазкур мусобақанинг дунё спортидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Буни турнирда қатнашиш учун Тошкентга дунё теннисининг кўплаб юлдузлари ташриф буюрганидан ҳам билса бўлади. Улар орасида Марат Сафин, Евгений Кафельников, Марк Россе каби машҳур теннис усталари бор. Шунингдек, Томми Ҳаас, Дэвид Сангунетти, Кеннет Карлсон, Райнер Шуттлер, Осиё қитъасининг энг номдор теннисчиси Парадорн Сричапан ва бошқалар Президент кубогини қўлга киритишга бел боғлаган.

10 сентябрь куни "Ўзбекистон" спорт мажмуида Президент Кубоги халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

— Шу кунларда Тошкентда катта спорт байрами,- деди давлатимиз раҳбари. - Мамлакатимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турнири қатнашчилари ташриф буюрди.

Мазкур турнир қисқа вақт ичида катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. У сайёрамизнинг турли мамлакатларидаги минглаб спортчиларга Тошкент билан танишиш, айтиш мумкинки, унга меҳр қўйиш имконини берди, деб таъкидлади Президент.

Дунёдаги миллионлаб теннис мухлислари эса матбуот ва телевидение орқали Ўзбекистон билан яқиндан танишмоқда.

Энг муҳим ва аҳамиятли жиҳати — Президент Кубоги турнири катта теннисни мамлакатимизда оммалаштиришдек буюк ишни амалга оширди.

Бугунги кунда ушбу гўзал ва ажойиб спорт тури билан каттаю кичик миллионлаб ҳамюртларимиз шуғулланмоқда. Бугун Тошкент дунёнинг профессионал теннис бўйича мусобақалар ўтказилаётган кўплаб пойтахтлари ва шаҳарлари қаторидан ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллади.

Тошкент турнирига кетма-кет уч бора "Ай-Ти-Пи"нинг "Юксак нуфузи учун" мукофоти топширилиши бежиз эмас.

Мусобақанинг барча иштирокчиларини - эски қадрдонларимизни ҳамда ушбу турнирда илк бор иштирок этаётган спортчиларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Биз бутун дунёга машҳур спортчилар — ажойиб теннис усталарини муборакбод этамиз.

Президентимиз Сассон Какшури раҳбарлигидаги турнир ташкилотчилари, ҳакамлар ҳайъати ҳамда супервайзери Томас Карлбергни ҳам муборакбод этар экан, уларга мазкур нуфузли мусабақаларни юксак савияда ташкил этаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Томошабинлар ва бутун Тошкент аҳлига самимияти, очиқ чеҳраси, меҳмондўстлиги ва мусобақа иштирокчиларини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги тўққизинчи халқаро турнирини очиқ деб эълон қилди.

Шу куни кортда швейцариялик Марк Россе ва германиялик Томми Ҳаас ўзаро беллашди.

Шундай қилиб, Тошкентда катта теннис байрами бошланди. Бир неча кун давомида пойтахт аҳли ва меҳмонлари, қолаверса, телевидение ва матбуот орқали бутун дунёдаги теннис ихлосмандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турнириндаги шиддатли ва муросасиз спорт беллашувларига гувоҳ бўлади.

(ЎзА)

Суратларда: турнир очилиши маросимидан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Муҳаммад АМИН, Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.



ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбек ва қозоқ халқларини азалий дўстлик, биродарлик ришталари бирлаштириб туради. Тили, дини, маданияти ва ўтмиши бир бўлган икки қардош халқнинг истиқболдаги мақсадлари ҳам муштараклиги эса муҳим аҳамият касб этади.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятлар қулфини очиш, икки қўшни мамлакат давлат чегараларининг делимитациясини ниҳоясига етказишни Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларидаги долзарб масалалардан, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда меҳмон бўлди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Остона аэропортида юксак мартабали меҳмонни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг саройида дастлаб Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев яккамаякка суҳбатлашди. Шундан сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди.

Томонлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги поғонага кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашди. Хусусан, ўзаро маданият кунларини ўтказишга келишиб олинди. Музокараларда, шунингдек, иқтисодий жабҳадаги ҳамкорликни кучайтириш, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди. Маълумотларга қараганда, 2002 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 124 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.

Ўзбекистон раҳбари икки давлатнинг бу соҳадаги имкониятларини "ягона локомотивга бирлаштириш" таклифини илгари сурди. Ушбу таклиф Қозоғистон томонидан қўллаб-қувватланди. Кўнғирот-Бейнов-Оқтов автомобиль йўлининг қурилиши қардош халқларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, экспорт-импорт имкониятларини кенгайтириши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш борасидаги ташаббус, экологик муаммоларнинг олдини олиш, бу масалаларга бағишланган анжуманни Семипалатинск шаҳрида ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди. Зеро, эски тузум даврида шу ҳудудда ядровий синовлар ўтказилган эди. Унинг асоратлари ҳамон сезилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг узунлиги 2440 километрга етади. Бундан ўн ой аввал давлат чегараларини делимитация

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЯНА БИР ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ 2-бет

МУАММОЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПАЯПТИМИ? 3-бет

МЕҲРНИНГ МАНЗИЛИ 4-бет

ТУРКИСТОНДА МАКТАБ МУАММОСИ 5-бет

ТЕРРОРИЗМ — ИНСОНИЯТГА ҚАРШИ 7-бет

ҚАНОАТ (ҲИКОЯ) 8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

KAMCHILIKLAR TAHLIL ETILDI

Kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha respublika muvofiqlashtiruvchi Kengashining navbatdagi majlisida Qoraqalpog'iston Respublikasi Shumanay tumani, Andijon viloyati Buloqboshi va Qo'rg'ontepa tumanlari, Samarqand viloyati Qo'shrabot tumani hokimlarining hududda kichik va o'rta biznesni rivojlantirish uchun sharoit yaratish, tadbirkorlikni huquqiy himoyalashning ahvoli to'g'risidagi hisobotlari tinglandi. Sohada yo'l qo'yilgan kamchiliklar tahlil etildi.

YANGI MISSIYA ISH BOSHLAYDI

Toshkentda O'zbekiston Respublikasi hukumati bilan Xalqaro Moliya korporatsiyasi (XMK) o'rtasida mamlakatimizda ushbu moliyaviy tashkilotning Missiyasini ta'sis etish to'g'risida bitim imzolandi. Hujjatga O'zbekiston moliya vaziri Mamarizo Nurmurodov hamda XMKning Markaziy Osiyodagi doimiy vakili Gorton De Mond imzo chekdilar.

SUT VA YOG' SEROB BO'LADI

Tashqi iqtisodiy aloqalar vazirligida O'zbekiston va AQSH hukumatlari o'rtasida mamlakatimizga umumiy qiymati 39,1 million dollarga teng bo'lgan jami 90 ming tonna qishloq xo'jalik mahsulotlari ajratish to'g'risidagi bitimni imzolash marosimi bo'lib o'tdi. Mazkur bitimga ko'ra, yurtimizga 56 ming tonna soya, 30 ming tonna bug'doy hamda 5 ming tonna quruq sut keltiriladi.

YAPONIYA MADANIYATI KUNLARI

Shu yil 17 sentyabrdan O'zbekistonda Yaponiya madaniyati kunlari boshlanadi. An'anaga aylanib qolgan ushbu xayrli tadbirlar debochasi sifatida mamlakatimiz bo'ylab «Maftunkor nigoh» fotoko'rgazmasi tashkil etilmoqda. Bu yilgi madaniyat kunlari Samarqand va Toshkent shaharlarida o'tkaziladi.

Марҳамат туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернат (директори Холмуҳаммад Сулаймонов) жамоаси ҳакамлар ҳайъатининг энг юқори баҳосига сазовор бўлиб, вилоят "Йил мактаби-2002" танловининг мутлақ ғолиби деб топилди.

Иқтисодий таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда, аввало, узлуксизликни таъминловчи яхлитлик, бир бутунликни назарда тутиш лозимки, у мустақил фикрга эга, маънавий баркамол инсонни шакллантиришга қаратилади.

Ma'rifat

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

қилиш бўйича келишиб олинган эди. Қисқа фурсат ичида йирик ҳажмдаги иш бажарилди. Ташриф давомида президентлар томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисидаги битим билан мазкур жараён тўлиқ ниҳоясига етказилди.

Аммо бу икки мамлакат, икки халқ ўртасига тўр сим тортилди, дегани эмас. Дўстлик ва қардошлик алоқалари аввалгидан ҳам қизғин давом этаверади.

Остонадаги учрашувлар чоғида яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бажарилиши ҳақида қўшма декларация қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига етгач, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

— Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг делимитацияси масаласида ҳеч қачон бир тўхтамга кела олмайди, деб жар солганлар биз имзолаган ҳужжатлар билан танишгач, хато қилганларини тушуниб етса, ажаб эмас, — деди, жумладан, давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари Қозоғистон Президенти ҳамроҳлигида Ватан ҳимоячилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

"Байтерек" мажмуи Остона шаҳрининг ўзига хос рамзи ҳисобланади. Ислом Каримов ташриф ниҳоясида ана шу иншоотни бориб кўрди. Унинг баландлиги 97 метр. Бунинг ҳам рамзий маъноси бор. 1997 йили Қозоғистон пойтахти Алматидан Остонага кўчирилган эди. Шу йилнинг 29 августида фойдаланишга топширилган "Байтерек"ка давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти қадам қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Остона аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кузатиб қолди.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Остона-Тошкент.

ЯНА БИР ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ

Тошкент вилояти Қибрай туманининг Т.Нормуҳамедов ширкат хўжалигида янги 50-мактаб қад ростлади. Мактабнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Р.Жураев, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Умаралиев, маҳалла фаоллари ва ота-оналар иштирок этдилар.

Икки қаватли бу кўркам мактаб биносининг қурилишига жами 300 миллион сум сарфланди. 620 уринга мўлжалланган мактаб икки сменада фаолият кўрсатмоқда. Мактаб хўжаликда истиқомат қилаётган фермерлар, тадбиркорлар ва Ўзбекистон—Туркия ҳамкорлигидаги "Силм" уюшмаси ҳомийлигида барпо этилди.

Тадбиркорлар мактаб учун зарур бўлган қурилиш материаллари, электр асбоб-ускуналари билан таъминлашга ёрдам берган бўлсалар, "Силм" уюшмаси эса мактаб кутубхонаси учун китоб жавонлари совға қилдилар.

Мактаб директори Тоҳир Раҳабоев мактабда олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги режалари билан ҳам ўртоқлашди. Қисқаси, айни кунда илм масканида очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаси, ёпиқ сув комплекси қурилишига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Суратда: янги мактаб биносининг ташқи кўриниши.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат

"Yil maktabi-2002"

КЕЛАЖАККА ТАШРИФ

Кун сайин қад ростлаб, жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мустақил мамлакатимизда XXI асрнинг ўзига хос мактабини яратишдек эзгу саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Шундай эзгу ва ибратли ишларнинг натижаси эса куни кеча Андижон шаҳридаги ўқувчилар саройида ўтказилган "Йил мактаби-2002" кўрик-танловида яққол намоён бўлди.

Андижон вилоятида ўз салоҳияти, амалга оширган эзгу ишлари билан мамлакатда донг таратган таълим масканлари талайгина, бўлиб ўтган кўрик-танловда шундай мактаблар сафи янада кенгайди.

— "Йил мактаби" танловининг аҳамияти шундаки, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Абдимўмин Аҳмедов, — мактаблар ўртасидаги беллашув туфайли ҳар бир шаҳар ва туманларда биттадан ҳар томонлама ибратли мактаблар юзага чиқяпти. Фарзандларимизни жаҳон андозалари даражасида билимли қилиб тарбиялайдиган мактабларни кашф этаётган танловдан жуда мамнунмиз.

Кўрик-танлов шартларига кўра ҳакамлар ҳайъати туман ва шаҳарларда бўлишиб, танловда иштирок этувчи таълим масканларининг бугунги фаолиятини мукаммал ўргандилар. Ўқувчиларнинг билим даражаси, уларнинг фан олимпиадаларидаги иштироки, маркетинг хизмати, халқаро алоқалар, даро самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган изланишлар, муаллимларнинг ижодкорлиги, изланувчанлиги каби жиҳатлар ҳакамлар ҳайъатининг асосий эътиборида бўлиб, улар ижобий баҳоланди.

Шундай қилиб, туман ва шаҳарларда ғолиб, деб топилган таълим масканлари танловнинг вилоят босқичида эришган кўрсаткич ва натижаларини муносиб ҳимоя қилдилар.

Марҳамат туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернат (директори Холмуҳаммад Сулаймонов) жамоаси ҳакамлар ҳайъатининг энг юқори баҳосига сазовор бўлиб, вилоят "Йил мактаби-2002" танловининг мутлақ ғолиби деб топилди. Ҳакамлар ҳайъатининг бу қарори мактаб-интернат жамоасининг кейинги йилларда эришган муваффақиятларига берилган муносиб баҳо бўлди. Мактаб-интернат битирувчиларининг 90-95 фоизи олий ўқув юртларига кирмоқдалар. Уларнинг фанлар бўйича вилоят ва республика олимпиадаларидаги иштироки ҳам юқори. Компьютер саводхонлиги ва компьютерни дастурлаш бўйича мамлакат миқёсидаги танловларда мактаб-интернат ўқувчилари икки йилдан буён ғолиблик қилиб келмоқдалар. Икки нафар ўқитувчи АҚШнинг АКСЕЛС танлови ғолиби. Сармоядан ташқари маблағ топиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишлар республикада оммалаштирилган. Кўрик-танлов ғолиби бўлган жамоага компьютер синфи мажмуи берилди.

Кўрик-танловда иккинчи ўринни Хўжаобод туманидаги 23-ихтисослашган мактаб-интернат (директори Абдураҳим Ҳамдамов) жамоаси ҳамда Булоқбоши туманининг 10-гимназия (директори Файзулло Буваматов) жамоаси эгаллади. Бу таълим масканлари ҳам вилоятда ўз ўрнига эга. Ҳар иккала жамоага 100.000 сўмдан пул мукофоти берилди.

Хонобод шаҳридаги 9-ихтисослашган мактаб-интернат (директори Мухторжон Норқўзиев) жамоаси, Олтинкўл туманидаги 24-гимназия (директори Ўғилхон Халилова) жамоаси ҳамда Қўрғонтепа туманидаги 29-ихтисослашган мактаб-интернат (директори Ҳафизахон Обидова) жамоаси кўрик-танловда 3-ўринни эгалладилар. 3-ўрин соҳибларининг ҳар бирига 50000 сўмдан мукофот берилди. "Йил мактаби" танловини кузатар эканмиз, иштирокчи муассасалар фаолияти, улар тайёрлаган кўргазмалар, ўқув қуроллари, дарс ишланмаларини кўриб, XXI аср мактаби худди шундай бўлиши керак, деган фикрлар кўнгилдан кечди. Таълим масканларининг ҳар бир ҳаракати, кўргазмали воситалари, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг чиқишлари, улар эришган муваффақиятлар намойиши томошабинларни келажакка етаклади, гўё. Ғолиб жамоаларнинг истиқболдаги режалари эртага таълим тизимида зоҳир бўлишига шак-шубҳа йўқ.

О.СИДДИҚОВ

ҚЎШ БАЙРАМНИНГ ФАЙЗИ БЎЛАКЧА

Паркент туманининг тоғ этагида жойлашган сўлим Сўқоқ қишлоғидаги 17-мактаб 1968 йилда ташкил топган бўлиб, унда 950 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Таълим даргоҳида ўқувчиларга 65 та олий маълумотли жонкуяр фидойи муаллимлар дарс бериб келишаётир. Мактаб ўқувчиларининг билимга чанқоқлиги, тиришқоқлиги, зукко ва билимдонлиги устозлари меҳнатини рўёбга чиқармоқда. Бу мактаб ўқувчиларининг бир неча йиллардан буён "Ўйла, изла, топ" телевизион мусобақасида муваффақиятли иштирокида ҳам кўринади.

Янги бошланган ўқув йили 17-мактаб ўқувчилари учун қўшалоқ байрам бўлди. Чунки мактабга илк қадам қўйган 98 нафар жажжи биринчи синф ўқувчиларига шу куни Президент совғалари топширилган бўлса, мактабнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари самараси, қолаверса, туман ҳокимлигининг ёшлар камолотига эътиборлари боис мактаб ҳовлисида биринчи қўнғироқ садолари янграган куни Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг "Марказий Осиё чегаралараро Ғарбий Тяньшан тоғлари биохилмахиллигини сақлаш лойиҳаси" томонидан 4 та компьютер, 500 000 сўмлик дарсликлар, ҳамда 60 000 сўмлик ўқув қўлланмалари, жами 2 миллион 60 минг сўмлик совғалар топширилди.

Совғаларни топшириш маросимида "Марказий Осиё чегаралараро Ғарбий Тяньшан тоғлари биохилмахиллиги сақлаш лойиҳаси"нинг миллий бўлим бошлиғи А.Ҳабибуллаев, кичик грантлар дастури раҳбари Ф.Шамсутдинов, туман халқ таълими бўлим мудири М.Ҳасановлар иштирок этдилар. Улар ўз сўзларида мазкур совғалар ўқувчиларимизнинг янада теран билим олишларида асқотажагига ишонч билдирдилар. Бунга жавобан, сўз олган фаол ўқувчилар ҳукуматимиз, қолаверса, жойлардаги раҳбарларнинг фарзандлар камолига қаратаётган эътиборларига миннатдорчилик билдирар эканлар, ўз ўрнида улар бу ишончни оқлашга ва берилаётган эътиборга лойиқ бўлишга ваъда бердилар.

"Марказий Осиё чегаралараро Ғарбий Тяньшан тоғлари биохилмахиллигини сақлаш лойиҳаси"нинг миллий бўлими ва туман халқ таълими бўлимининг ўзаро келишувларига биноан бу каби эзгу ишлар келгусида яна давом эттириладиган бўлди.

МУХБИРИМИЗ

УЗЛУКСИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ

УНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Халқимизнинг асрий орзуси ушалиб, мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон ўзига мос танлаб олган йўлда ривожланишнинг бозор иқтисодиётига ўтиш сари интилмоқда. Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар мамлакатимизда демократик жамият барпо этишга қаратилган бўлиб, аҳолининг турмуш даражасини яхшилай бориб, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт кечириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил фикрлайдиган, ғоявий-мафкуравий жиҳатдан чиниққан қилиб тарбиялашнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти ўз қонуниятлари билан амал қилади ва бундай жамиятда яшаш, фаолият кўрсатиш ҳар бир инсондан янги билимларни, янгича фикрлашни талаб этади. Иқтисодий таълим-тарбияни амалга ошириш бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир шахснинг бозор муносабатларига кириша олиши ва бу шароитда яшай олиши ҳамда ёшларни мустақил фаолиятга тайёрлашдаги энг муҳим вазифадир.

Республикамизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошиши, кўзланган пировард натижаларга эришиш, аҳолининг барча қатламларига таллуқли бўлган иқтисодий таълим-тарбияни кенг кўламда амалга ошириш ва унинг узлуксизлигини таъминлашни тақозо этади.

Бу муаммони ҳал қилишда жамиятнинг барча қатламларида, яъни оилада, мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида, аспирантура, докторантурада малака ошириш ва илмий-тадқиқот институтларида, академияда, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, мактабдан ташқари таълим муассасаларида узлуксиз иқтисодий таълимни амалга ошириш кўзда тутилади.

Иқтисодий таълим-тарбияни маълум бир давр ичида, яъни вақт билан қатъий чегараланган ҳолда амалга ошириб бўлмайди, чунки у узлуксиздир.

Иқтисодий таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда, аввало, узлуксизликни таъминловчи яхлитлик, бир бутунликни назарда тутиш лозимки, у мустақил фикрга эга, маънавий баркамол инсонни шакллантиришга қаратилади.

Шахснинг иқтисодиёт фанини, илмини ўргана бориб етуклик, камолот сари интилиши ижодкорликни таъминлайди. Ижтимоий муҳит, эҳтиёж ва мотив (йўналтирувчи асос) — маънавий етук, мустақил фикр эгаси бўлган ижодкор инсонни яратувчи кучдир.

Бинобарин, жамиятнинг бундай шахсни тарбиялашдан манфаатдорлигини ижтимоий ўзгаришлар шароитида амалга оширилаётган ислоҳотлар суръатини тезлаштиришда, инсоннинг давр талабларига мослашувида кўриш мумкин.

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия негизида илк иқтисодий таълим-тарбиядан то иқтисодий маданиятлилик даражасигача бўлган жараён ётади. Бу жараённи эса инсоннинг ривожланиш босқичларига мувофиқ ҳолда қуйидагича тақсимлаш мумкин.

1-босқич. Оиладаги иқтисодий таълим-тарбия (мактабдан ташқари таълим) ота-оналар оила мулки, даромадлари, сарф-харажатлари, ортиқча истеъмол ва исроф қилмаслик каби тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тушунчаларни фарзандлари онгига сингдириш, уларга турмушда тежамкорлик сирларини ўргатиш орқали амалга оширилади.

2-босқич. Мактабгача таълим-тарбия муассасаларида тарбияланувчиларга энг содда иқтисодий тушунчаларни мужассамлаштирган иқтисодий мазмундаги ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари, эртаклар орқали ва турли ўйин машғулотлари тарзида илк иқтисодий тарбия берилади ва болалар онгида дастлабки иқтисодий тушунчалар шакллана бошлайди.

3-босқич. Бошланғич таълим (1—4-синфлар)да "Иқтисод алифбоси" дарслари — она тили, математика, ўқиш ва бошқа предметлар таркибида иқтисодиётга оид ёки кундалик турмушда кўп учрайдиган иқтисодий тушунчалар бор бўлган айрим мавзуларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни ошириш, иқтисодий тафаккурни шакллантириш натижасида дастлабки иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш орқали амалга оширилади.

4-босқич. Умумий ўрта таълим (5—7-синфлар)да "Иқтисодиёт сабоқлари" фани учун ўқув режада алоҳида дарс соатлари ажратилмаган. Мазкур синфларда иқтисодий таълим она тили, хорижий тиллар, математика, география, меҳнат таълими ва бошқа фанлар таркибида амалга оширилади. Хусусан, ушбу фанлар таркибида иқтисодиётга тааллуқли ёки кундалик турмушда кўп учрайдиган иқтисодий тушунчалар, жамият ривожланишидаги иқтисодий юксалиш ва муаммоларга доир мавзуларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, иқтисодий тафаккур доирасини кенгайтириш, муайян ҳажмдаги иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириб бориш орқали амалга оширилади. Бу эса 8—9-синфда мустақил фан сифатида ўқитиладиган "Иқтисодий билим асослари"ни ўрганишда ўзига хос тайёрлов вазифасини бажаради.

5-босқич. Умумий ўрта таълим (8—9-синфлар)да "Иқтисодий билим асослари" алоҳида фан сифатида ДТС, янги ўқув дастури асосида ўқитилади. Ўқув дастури асосий иқтисодий тушунчалар, корхона, мамлакат ва жаҳон иқтисодиёти муаммоларининг назарий асосларини қамраб олади. 8-синфда кўпгина тушунчалар биринчи марта киритилади ва ДТС асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талабларни бажаришга имконият яратилади. Ўзларининг иқтисодий билимларини чуқурлаштириш ва бу борадаги фикрлаш доираларини кенгайтириш билан ўқувчилар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида янада чуқурроқ иқтисодий билим олишга тайёрланадилар. Таянч ўқув режасида 34 соат, 8—9-синфлар учун жами 68 соат ажратилган. (10—11-синфларда "Иқтисодиёт ва бизнес асослари" предмети амалдаги дастур асосида ўқитилмоқда).

6-босқич. Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимида иқтисодий таълим умумтаълим фанлари қаторида "Иқтисодиёт асослари" ва мутахассислигига қараб турли касбий фанларни ўқитиш орқали амалга оширилади. Бу босқичда "Иқтисодиёт асослари" ўқув дастури бўйича иқтисодиётнинг умумий асослари, бозор иқтисодиёти, иқтисодий муносабатларнинг микро ва макро даражада намоён бўлиш шакллари ҳамда жаҳон бозори муаммоларига тегишли ва мактаб курсида ўтилган мавзулар янада чуқурлаштирилган, назарий жиҳатдан кенгроқ ёритилган ҳолда ўқитилади. Бу фанни ўқитиш натижасида ўқувчилар иқтисодиёт назарияси асослари ва касб иқтисодиёти билан яқиндан танишадилар, мустақил ҳаётга тайёрланадилар. Шунингдек, касбий йўналишлари бўйича олган билим ва кўникмаларини халқ хўжалигида, бевосита амалиёт (ишлаб чиқариш соҳаси)да татбиқ эта оладиган даражадаги малакали мутахассис кадрлар тайёрланади.

7-босқич. Олий таълимда иқтисодий таълим барча мутахассислик йўналишларида, бакалавриатурада "Иқтисодиёт назарияси", магистратурада "Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти" фанларини умумтаълим фани сифатида ўқитиш орқали амалга оширилади. Ўқув дастури иқтисодий ривожланишнинг умумий асослари, бозор иқтисодиёти назарияси, миллий иқтисодиётнинг амал қилиш ва ривожланиш қонуниятлари, жаҳон хўжалиги, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий тамойиллари каби муаммоларни қамраб олади. Бу босқичда таълим олаётган талаба-ёшларга умумий иқтисодий билимлар чуқур ўргатилади ва бўлажак мутахассислар жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражадаги малакали иқтисодчи бўлишлари лозим. Шунингдек, иқтисодий йўналишлардаги факультетларда ёки олий ўқув юртларида умумий иқтисодий билимларни ўрганиш билан бир қаторда иқтисодиётнинг махсус йўналишларини мукаммал ўзлаштирилишига алоҳида эътибор берилади.

8-босқич. Олий таълимдан кейинги таълим (аспирантура, докторантура) олий малакали илмий педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга, шахснинг ижодий таълим касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга ва таълим тизимини узлуксизлигини таъминлашга қаратилган.

9-босқич. Тармоқлар бўйича малака ошириш тизимида иқтисодий таълим кадрларнинг иқтисодий маданиятлилик даражасигача кўтарилиб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча тармоқлари, соҳа ва йўналишларида иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда, кадрларнинг иқтисодиётни юритиш ва бошқариш маданиятини ошириш, амалий иқтисодиётга кенг миқёсда эътибор бериш ва уни ривожлантириш орқали амалга оширилади.

10-босқич. Ўзбекистон Фанлар академияси, тармоқ академиялари, илмий марказларда узлуксиз иқтисодий таълим-тарбиянинг барча (оила босқичидан то охирги) босқичларидаги жараёнларни илмий нуқтаи назардан ва методик жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш, ижодий изланишлар олиб бориш, назарий ва амалий янгиликлар киритиш орқали амалга оширилади.

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия босқичлари амалга оширилар экан, бунда ўқувчи-ёшларнинг иқтисодий билим, кўникмаларни эгаллаб боришлари, келажакда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз ўрнини топа олишлари, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги ўзаро муносабатларда юксак иқтисодий маданиятли шахслар бўлиб етишишлари назарда тутилади.

У.ХОМУТОВ,
РТМ ижтимоий билимлар бўлими бошлиғи муовини

МУАММОЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПАЯПТИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг 2002 йил 31 майдаги иккинчи чақириқ навбатдан ташқари 9-сессиясида сўзлаган нутқида вилоятда ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар орасида барчамизни айниқса, безовта қилиши лозим бўлган бир масала яъни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд эканлигини таъкидлаган эди. Хўш, мазкур муаммолар бугунги кунда қандай ечимини топмоқда? ВХТБ бошлиғи М.Алиев билан ўтказган мулоқотимиз худди шу мавзу атрофида кечди.

Юртбошимиз ўз маърузасида 4 та мактабда ўқиш уч сменада олиб борилаётганлиги ва 10 та мактаб биносининг ночор аҳволда эканлиги, 21 та мактабнинг қурилиш ишлари эса узоқ муддатдан буён пайсалга солиниб келинаётганини қайд этган эдилар. Ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг натижасида ўтган вақт мобайнида қандай ўзгаришлар рўй берди?

—Аввламбор шуни таъкидлаш лозимки, Юртбошимиз маърузаларидан кейин вилоятимизда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тезда бартараф этиш учун таълим ислоҳотларини янада чуқурлаштирган ҳолда умумий ўрта ва таянч мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг ўқув ва моддий базасини ривожлантириш мақсадида вилоят ҳокимининг 2002 йил 6 июндаги К-124-сонли ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасининг 2002 йил 12 июндаги 149-АФ-сонли қарорлари асосида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурга кўра Навоий шаҳридаги дарслар уч сменада олиб борилаётган 8-мактабдан 525 нафар ўқувчи 16-мактабга ўтказилган бўлса, 2-мактабдан 175 нафар ўқувчи 5-мактабга, 175 нафар ўқувчи эса 6-мактабларга ўтказилган. Худди шундай 13-мактабдан 225 нафар ўқувчи ўрни бўш бўлган 16-мактабда таҳсил олиши йўлга қўйилди. Ҳозиргача 70% қувват билан ишлаётган таълим рус тилида олиб бориладиган 1-, 4-мактабларга 16-мактабнинг 5-11 синф ўқувчиларидан 546 нафари ўтказилади. Бундан ташқари Учқудуқ туманидаги 29-мактаб ўқувчиларининг 3-сменали ўқишини тугатиш учун янги ўқув йилигача яшаш жойларига яқин бошқа мактабларга жойлаштириш дастурда қайд этилди. Айтиш жоизки, бошқа мактабларга кўчириладиган ўқувчиларнинг рўйхати уй манзилларига қараб тузилган ва бу ҳақда ўқувчиларнинг ота-оналарига, маҳалла қўмитасига маълум қилинди.

Дарҳақиқат умумий қуввати 5022 ўқувчига мўлжалланган 10 та мактабни авария ҳолатидан босқичма-босқич чиқариш бўйича ҳам буюртмачи ташкилот ва пудратчи қурилиш ташкилотлари аниқланиб 1991 йилги нарх бўйича 27,6 млн сўм маблағни молиялаштириш дастурда кўрсатилган. Бинобарин ночор ҳолатдаги 10 мактабни авария ҳолатидан чиқариш учун вилоят ҳокимининг 2001 йил 21 июндаги К-181-сонли "Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув ва моддий базасини ривожлантириш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилади. Бундан ташқари қарорда белгиланган 2005 йилгача қурилиши тўхтатилиб қўйилган 21-мактабнинг қурилишини давом эттириш ҳамда 1 та 1568 ўринли мактабни реконструкция қилиш ҳам дастурга киритилган.

— Таълим 6 тилда олиб борилаётган ҳудудда энг муаммоли масалалардан бири кадрлар масаласидир. Айниқса, у чет тили ўқитувчиларига бўлган талабнинг юқорилигида яққол сезилади. Ушбу масала ечимига доир бугунги кунда бажарилган ишларнинг таҳлили ҳақида гапириб берсангиз?

— Жуда тўғри таъкидладингиз, Навоий вилояти кенжа, аммо ҳудуд жиҳатдан жуда катта жойни эгаллаган. Масалан: Учқудуқ, Томди, Конимех, Нурота туманларидаги кўпчилик мактаблар чўл ҳудудида фаолият кўрсатиб, марказдан 250-300 км узоқликда жойлашган. Бу мактабларда асосан чўпон болалари таълим олишади.

Педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун жорий 2002 йилда НДПИ чет-тиллар факультетини тугатаётган 108 нафар, Жаҳон тиллар университетидан 3 нафар, Ўзбекистон Миллий университетидан 4, Самарқанд давлат университетидан 7, Бухоро давлат университетидан 2 нафар жами 124 нафар ёш мутахассис ўқитувчилар янги 2002-2003 йилдан ўқувчиларга сабоқ беришади. Қолган 197 та бўш ўринни қоплаш учун ўқитувчиларнинг дарс соатларини ошириш ва баъзи чўл ҳудудида жойлашган чўпон болалари ўқийдиган мактабларда синфларни бўлмасдан ўқитиш ҳисобига инглиз тили ўқитувчиларига бўлган талаб қондирилади.

Шунингдек, янги ўқув йилидан таълим даргоҳларимизда НДПИ жисмоний тарбия факультетини 59 нафар, Навоий педагогика коллежини тугатаётган 163 нафар битирувчи, жами 222 нафар ёш мутахассис иш бошлашади. Қолган 128 бўш ўринлар республиканинг бошқа олий ўқув юртларини тамомлаб вилоятимизга келган ўқитувчилар ҳисобидан ҳамда дарс соатларини ошириш ҳисобига қопланади.

Бундан ташқари шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир мактаб ўзига етишмайдиган мутахассисликлар бўйича битирувчиларни педагогика институтларига ўқишга тайёрлаш бўйича ташвиқот ишларини олиб боради. Туман, шаҳарлар кесимида айрим фанлар бўйича етишмайдиган ўқитувчиларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш ва уларга сертификатлар бериш ВПХТМОИ га юклатилади. Бундан ташқари Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 17 апрелдаги 67-сонли буйруғига асосан вилоят педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўқитувчиларни турдош мутахассисликка қайта ўқитиш йўли билан ҳам эҳтиёжнинг бир қисми қопланади.

— Мактабларда таълимнинг бош сабаби вилоятдаги мактабларнинг 62 фоизида спорт зали, 20 фоизида футбол, 13 фоизида волейбол майдончаларининг йўқлиги кўрсатилиб ўтилди. Бунга қандай эътибор берилаяпти?

— Ушбу танқидий фикрлардан сўнг вилоятда ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ишлари режалаштирилди. Жумладан сузиш, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис бўйича вилоят кубоги ўтказилади. "Кураш", белбоғли кураш, енгил атлетика ва тош кўтариш, сузиш бўйича эса вилоят биринчилигини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Навоий шаҳрининг 17-мавзесида замонавий стадион қуриш, Спутник мавзесида спорт мажмуасининг қурилишини тугатиш, шунингдек, замонавий теннис кортларини қуриш дастурда кўрсатилди. Ҳозиргача Конимех туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар мактаби қошида ҳашар йўли билан кичик футбол майдони қурилгани тумандаги ёш спортчиларга туҳфа бўлди.

Вилоят ҳокимининг 1999 йилнинг 27 февралида қабул қилинган "Вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол дастури тўғрисида"ги қарорига асосан 2005 йилгача спорт заллари, волейбол, футбол майдонлари бўлмаган мактабларда замонавий спорт мажмуалари барпо этиш бўйича маҳаллий бюджет ҳисобидан қурилиш ишлари бошланади. Жумладан: 2002 йилда 25 та, 2003 йилда 22 та, 2004 йилда 12 футбол майдони, 2002 йилда 29 ва 2003 йилда 20 та волейбол майдонларини қурилиб фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Ҳозирнинг ўзидаёқ Навбаҳор туман ҳокимлиги 5-ўрта мактаб учун футбол майдони қурилишига ер ажратди.

Шунингдек, тумандаги "Навбаҳор" ширкат хўжалиги ўзининг балансидаги футбол майдонини тўлалигича 8-мактаб балансига ўтказиб берди. Қизилтепа туманидаги "Гошрабод" ширкат хўжалиги раҳбарияти ҳам 25-мактабга футбол майдони учун ер ажратган бўлса, 5-, 13-, 27-, 30 мактаблардаги кичик футбол майдончалари стандарт асосида қайта лойиҳалаштирилди. 13-мактабда эса янги спорт зали қурилиб ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Бугунги кунда вилоятда мактаб ўқувчиларининг баркамол вояга етишлари йўлида бир бутун тизимини яратиш учун саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ суҳбатлашди

БАҲСЛАРДА КЕЧГАН СЕМИНАР

Tadbir

Куни кеча Юнусобод туманидаги 307—мактабгача таълим муассасасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" иккинчи босқичи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда 2002—2003 ўқув йилининг "Халқ таълими тизими муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилиниши муносабати билан туман мактабгача таълим муассасалари мудиралари учун "Мактабгача таълим ва мактаб узвийлигини таъминлаш" мавзусидаги семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда иштирок этган мудиралар, бошланғич синф ўқитувчилари ноанъанавий семинар-тренинг иштирокчиси бўлдилар, яъники улар "Гапирсангиз эсимдан чиқади, кўрсатсангиз хотирамда муҳрланади, ўзим бажарсам бу бутун умр меники бўлиб қолади", деган хитой халқ мақолини шиор қилиб олган ҳолда 6та гуруҳга бўлиниб, машғулотлар ўтказдилар. Болажонлардек беғуборлик билан, баҳсларга уланган ҳолда ўтказилган бу машғулотлар, барча мудираларга ўз боғчаларига бориб, кичкинтойларни ўрганган методлари ёрдамида тарбиялашга ёрдам беради.

—Бугунги анжуманимизга бошланғич синф ўқитувчилари ва илмий мудирларни таклиф қилишимиздан асосий мақсад—боғчадаги муаммолар билан мактабдаги муаммоларни бир-бирларига маълум қилган ҳолда келгусида қилинадиган ишлар тўғрисида келишиб олиш эди,—дейди биз билан суҳбатда Юнусобод тумани ХТБ услубчиси Ҳусния Рўзиева.

Йиғилишда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи И. Зокиров, Юнусобод тумани ХТБ мудири М. Содиқовалар иштирок этдилар. Йиғилиш мактабгача таълим соҳасида қилинажак катта хайрли ишларнинг дебочаси бўлади, деган умиддамиз.

Назокат ХОЛМЕТОВА

Мамлакатимизда фаолият юритаётган Темпус лойиҳалари тўғрисида бугун кўпчилик яхшигина маълумотга эга. Мана бир неча йиллардан буён ҳуқуқдан тортиб то қишлоқ хўжалигигача бўлган соҳаларда янги-янги йўналишлар белгиланмоқда, турли лойиҳалар асосида иш олиб борилмоқда.

Яқинда Тошкентда Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) Тасис дастури ва бошқа дастурларни бошқаришни режалаштириш ва такомиллаштиришни марказлаштириш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш мақсадида "Европа Уйи" очилди.

Биз Тошкентда иш бошлаган "Европа Уйи" раҳбари жаноб Питер Реддиш билан ушбу ташкилотни очишдан кўзланган мақсад ва у қиладиган юмушлар хусусида суҳбатлашдик.

ТОШКЕНТДА "ЕВРОПА УЙИ"

— Реддиш жаноблари "Европа уйи" қандай мақсадларни кўзлаб ва айнан нега Тошкентда очилди?

— Мазкур ташкилот Брюсселдаги Европа Комиссияси томонидан Европа Иттифоқи делегациясига берилган фаолият туридир. У Европа Комиссиясининг ташқи сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутади. У Комиссиянинг дунёнинг барча мамлакатларидаги фақат "кўзи" ёки "қулоғи" эмас, балки ўша давлатларнинг ҳукумат ва халқларига кўприк бўлиб хизмат қиладиган 128 та ваколатхона ва делегацияларга суяниб иш кўради.

Доимий делегациялари бўлмаган ҳамкор давлатларда Европа Иттифоқи Комиссияси фаолиятини амалга ошириш ва бошқаришни қўллаб-қувватлаш учун офислар ташкил қилиш тўғрисида Европа Комиссияси қарор қабул қилди ва бундай офислар "Европа Уйи" номини олди.

Ўзбекистонда ЕИК делегацияси йўқ, шунинг учун Комиссия биринчи "Европа Уйи"ни Тошкентда очди. Иккинчи "уй" Озарбойжон пойтахти Бокуда ташкил қилинди. Бу икки офис таркибий қанот ҳисобланиб, улар Брюсселдаги ЕИКга бевосита ҳисобот берадилар.

Энди биринчи офисни нега айнан Тошкентда очганлигимиз масаласига келсак, маълумингизким бугунги кунда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида ўзининг демократик тамойилларга асосланиб иш юритаётганлиги, халқ хўжалигининг барча соҳаларига кучли эътибор бераётганлиги, айниқса, таълим ва фанни ривожлантириш, эртанги кун эгалари бўлган ёш авлодни камол топтириш учун ибратли ишлар қилаётганлиги билан ҳам ажралиб туради. Кўпгина давлатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини жуда тез белгилаб олди ва бу ишларнинг барчасида Президентингиз Ислом Каримов жанобларининг олиб бораётган оқилона сиёсати ўз аксини топмоқда.

— Мазкур офис яна бошқа масалалар билан ҳам шуғулланадими?

— Албатта, Тасис дастури ва ЕИКнинг бошқа турли фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бизнинг "Уй"дан олинади, Тасис доирасидаги Темпус каби кичик дастурлар ва бошқа дастурости лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам бизнинг зиммамизда.

"Европа Уйи" битта узоқ муддатли хорижий эксперт ("Европа Уйи" мувофиқлаштирувчиси)га эга бўлади. Қўшимча ва маҳаллий экспертлар заруриятга қараб тайинланиши мумкин.

Шарифа МАДРАҲИМОВА суҳбатлашди.

Mustaqillik inshootlari

ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАСИ

Андижон шаҳрида миллий-ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг очилишига бағишланган тадбир карнай-сурнай садолари билан бошланди. Унда иштирок этган шаҳар жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, талабалар ва уларнинг ота-оналари юртимизда келажак авлод тўғрисида қилинаётган ғамхўрликка чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Коллеж директори Халимжон Неъматов мазкур замонавий билим масканини қайта тиклаб, чирой бағишлаган 3-қурилиш монтаж очиқ акциядорлик жамияти бошлиғи Толибжон Аҳмедовдан рамзий калитни олқишлар билан қабул қилиб олди. Ўз навбатида қурилишда алоҳида ибрат кўрсатиб ишлаган Н.Шамсуддинов, М.Кўчқоров, М.Аҳмедов, А.Расулов, К.Солиев каби ғишт терувчи ва сувоқчиларга эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Андижон шаҳридаги қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидаги тантана ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Улар замонавий билим масканларини кўпайтиришда ва таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишда вилоят ҳамда республикада етакчи ўринда турганлигидан фахрланаётганликларини ғурур билан қайд этдилар. Ёшларни бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига тайёрлашда ва энг оммавий касбни эгаллашда бу ўқув даргоҳи алоҳида ўринга эга бўлиб қолишига умид билдирилди.

О.СИДДИҚОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚОНУН БУЗИШЛАР НЕГА КЎП?

Ҳуқуқий — демократик давлат қурилаётган ва фуқаролик жамиятини ўрнатаётган Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳуқуқий билими, кўникмаси ва маданиятини ошириш давр талабидир. Агарда ҳар бир давлат ва жамият ривожида **умумий таълим зарур таянч** бўлса, **ҳуқуқий таълим** унинг пойдеворидир. Чунки бозор муносабатлари турли хил мулкчилик шакллари, кишилар турмуш тарзига чуқурроқ кириб бораётгани сари ҳуқуқий онг ва маданият ҳам уларнинг савияларини юксалтирмоқда. Айниқса, бу ҳолат аграр соҳада, яъни қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзида ўз аксини топиши керак. Озиқ-овқат, хомашё, товар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни реализация қилиш ва хизмат кўрсатиш каби ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти собиқ Иттифоқ давридаги боқимандалик ҳиссиётидан кескин фарқ қилади. Шу боис аграр соҳанинг барча жабҳаларида юридик таълим ва илмни бакалавр ҳамда магистр тайёрлаш босқичларида жалб қилиш ўта долзарб муаммодир.

Амалиёт шуни кўрсатадики, деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш асосан ТошДАУ, СамҚХИ, АндҚХИларнинг битирган талабалар томонидан олиб борилмоқда. Аммо, уларнинг аксарияти мустақил хўжалик юритиш учун етарли ҳуқуқий билимларга эга бўлолмаяптилар.

Улар ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан ўта самарадорлик билан фойдаланишдаги мажбуриятларини тўғри англай олишмайди. Масалан, кейинги 6 йил ичида хўжалик низолари 11700 тадан 34645 тагача, яъни 5 баробар кўпайган. Бу деган сўз, уларда хўжалик шартномаларини тузиш ва уларга биноан ишларни ташкил этиш талаб даражасида эмас. Бундан ташқари жиноий, фуқаролик, маъмурий судларда, давлат инспекцияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида мазкур масала бўйича юзлаб жиноий ишлар қўзғатилмоқда, деҳқон ва фермерга тегишли мулклар бўйича талайгина низолар келиб чиқмоқда.

Тошкент Давлат аграр университети (ТошДАУ)да ҳуқуқий таълим тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бакалавр ва магистрлар учун ўқитилаётган "Ҳуқуқшунослик", "Ўзбекистон Республикаси конституциясини ўрганиш" ва "Хўжалик ҳуқуқи" ўқув предметларининг соатлари, номланиши ва ўқитиш даври мулоҳаза талабдир. Чунки ҳуқуқшунослик фанини талабалар 2-курсдан ёки 2-семестрдан бошлаганлари мақсадга мувофиқдир. Ундан аввал эса фалсафий, маърифий ва маънавий фанларни ўтиш уларга ҳуқуқшуносликни тўлиқ ўзлаштириш имконини беради.

Taklif

Биринчидан, ҳуқуқшунослик ўқув предметининг соати бор-йўғи 36 соат (20 соат маъруза, 16 соат семинар машғулотлари). Ваҳоланки, ҳуқуқшунослик ўз тизимига давлат ва ҳуқуқ асослари (2 та ҳуқуқ фани), ҳуқуқ соҳалари (30 дан зиёд ҳуқуқ фанлари), ҳуқуқ амалиёти (3 та процессуал ҳуқуқ фанлари)ни қамраб олади. Ушбу қисмларни тегишли соатларда ёритиб бериш, ҳаттоки, назарий жиҳатдан ҳам мумкин эмаслиги мураккаб масаладир. Шунинг учун ҳам ижтимоий фанлар тизимида ҳуқуқшунослик ўқув предметини аввалгидек, 76 соат миқдорида қолдириш қўйилган мақсад — бакалаврнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини шакллантириш имконини беради.

Иккинчидан, хўжалик ҳуқуқи — халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятига доир ижтимоий муносабатларни тартибга солишдир. У нафақат қишлоқ хўжалигини, балки хизмат кўрсатиш, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа каби хўжалик соҳаларида ҳам ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам аграр таълимнинг айрим факультетларида ўтилаётган хўжалик ҳуқуқи ўрнига ихтисослаштирилган ҳуқуқ соҳаси — қишлоқ хўжалик ҳуқуқини барча йўналишдаги факультетларда 46 соат (22 соат маъруза, 16 соат семинар, 8 соат мустақил таълим) миқдорида бакалавриатнинг 4-курсларига (7-семестр) киритиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, ўқув предметини "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" деб номланишини ҳам бир ўйлаб кўриш жоиз. Чунки ҳар бир ўқув предмети муайян билимларни ўрганиш ва ўқитиш, яъни таълим бериш нуқтаи назаридан ўтилади. Шунинг учун ҳам ушбу предметни "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи" деб номлаш ва уни белгиланган 46 соат миқдорида ўтиш ҳам илмий, ҳам мантиқий жиҳатдан тўғри бўларди.

Тўртинчидан, Президентимиз И.Каримов 2002 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамасининг йиллик йиғинида қилган маърузаларида табиий заҳира — ер, сув ва энергия манбаларидан ўта самарадорлик билан фойдаланиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ушбу ҳисобот юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори ҳам қабул қилинди. Қарорда табиий ва минерал хомашё ресурсларидан самарасиз ва хўжасизларча, талон-тарож қилган ҳолда фойдаланишга доир қўпол ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганига алоҳида урғу берилди. Шунинг учун ҳам барча халқ хўжалиги тармоқларида ва айниқса, қишлоқ хўжалигида табиий бойликларни мақсадли ишлатиш ва юридик оқибатларни ҳис қилиш каби бир қатор чора-тадбирлар белгилаб қўйилди. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш аграр соҳа мутахассисларида тегишли фанлар бўйича юридик таълим ва илмни кучайтириш орқали юзага келиши мумкин. Бунинг учун аграр таълим магистратурасининг биринчи босқичида тупроқшунослик, агрокимё ва ўсимликларни муҳофаза қилиш йўналишидаги мутахассисликларга ер ҳуқуқи, агрономия ва мевасабзавотчилик йўналишида — сув ҳуқуқи; ўрмончиларга-ўрмон ҳуқуқи; бухгалтерия ҳисоби йўналишида — "Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари" ўқув предметларини киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу ўқув предметлари нафақат аудитория соатлари (8 соат маъруза, 4 соат семинар, 2 соат мустақил таълим), балки тахминан 4 соат амалий машғулотларни Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзгеодезкадастр" бош бошқармаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ўтказиш даркор. Натижада талабаларда нафақат ҳуқуқий билим ва илм, ҳаттоки айрим ҳуқуқий кўникмаларни юзага келтириш ва юридик ҳолатларни ҳис этиш шакллана-ди.

А.НИҒМАТОВ,
Тошкент Давлат аграр университети ҳуқуқшунослик кафедраси мудири, профессор

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ...

Йўналишли таксига кекса отахон чиқди. Ўриндиқлар бандлиги боис, тик турган қария ўз мувозанатини сақлай олмай олдинги қаторда ўтирган ёшгина аёлга туртиниб кетди.

— Вой, қари одам уйида ўтирса нима қилар экан-а, — деди аёл жеркиб.

— Келинг, мана бу ўриндиққа ўтиринг, — деди иккинчи қаторда ўтирган ўрта ёшлардаги бошқа бир аёл жой бўшатиб.

— Кечир қизим, сендан бундай қўполликни кутмаган эдим. Негаки, кўринишингдан туппатузук одамларнинг фарзандига ўхшайсан, — деди отахон мулойимлик билан биринчи аёлга.

Аёл ўзининг қилмишидан уялди шекилли, ноқулай аҳволга тушди.

Ҳа, катталарни ҳурмат қилиш халқимизнинг азалдан қолган одати. Агар ўша аёл отахонга салом бериб, дарҳол жой бўшатганида, қария туртиниб кетмаган, дили оғримаган бўларди.

Ҳатто ножўя айтилган сўзга отахон жавоб қайтармади. Чунки кексаларнинг ҳам баъзан ўзига яраша юмушлари чиқиб туради-да.

Бизнинг урф-одатларимизга кўра кексалар ҳар доим ҳурматда бўладилар. Кўпгина ишлар отахонларнинг маслаҳати, раъйи билан амалга оширилади. Улар ҳузурида болалар ўзларини тутиб, ортиқча шовқин қилишмайди. Қариялар уйдан чиққанида ўриндан турилиб, қуллуқ қилинади. Оёқ кийимлари тозаланиб, тўғрилаб қўйилади. Кўча-кўйда катталар ўтиб қолганида эса қўлни кўксига қўйиб, биринчи бўлиб салом берилади.

Кексалар ўзларининг ақл-заковатлари, хушфеълликлари билан ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишади.

Ривоят қилишларича, қадим замонда қарияларни ўлим тоғига олиб бориб ташлаш одат тусига кирган экан. Отасини жуда яхши кўрадиган йигит, уни тоққа олиб бормай яширибди. Бир кун подшоҳ кема билан дарё саёҳатига чиқибди. Иттифоқо кучли довул бошланиб, кемани дарёнинг чеккасига чиқариб ташлабди. Подшо ва хизматкорлар қирғоққа тушишибди. Улар атрофни айланиб юриб, дарё ёқасидаги бир тепаликка келиб қолишибди. Подшо дарёга қараса, тухумдай бир гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол йигитларига бу гавҳарни олиб чиқишни буюрибди. Йигитлар бирин-кетин сувга шўнғиб, гавҳарни топа олмай чиқишибди. Подшонинг жаҳли чиқиб, бошқаларни туширса, улар ҳам топа олмай чиқишибди. Сирли гавҳарга қизиқиб қолган подшо: "Уни ким топиб чиқса, катта бойлик инъом қиламан, топмаганлар ўлимга маҳкум этилади", деб шарт қўйибди. Навбат отасини ўлимдан олиб қолиб, яшириб қўйган йигитга етиб келибди. У отаси билан видолашаётса, отаси: "Дарёга тушмасдан олдин тепани бир қара. Ҳеч вақт гавҳар сув сатҳида бўлмайди. Қиргоқдаги дарахт шоҳида бирор қушнинг ини бўлса керак, гавҳар ўша инда тургандир. Унинг шуъласи сувга тушаётган бўлса керак", деб маслаҳат берибди. Йигит отаси айтганидек, дарахтнинг дарёга эгилган шоҳига эҳтиёткорлик билан чиқиб борибди. Қараса, ҳақиқатан ҳам пастга энгашган бир инда гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол қўйнига солиб олиб тушибди. Инда гавҳар борлигини шу юртнинг эгаси бўлмиш парилар ҳам билмас экан.

Подшо йигитдан: "Буни қандай билдинг?" деб сурабди. Йигит отаси ўргатганлигини айтиш-

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ...

имлик билан биринчи аёлга.

Аёл ўзининг қилмишидан уялди шекилли, ноқулай аҳволга тушди.

Ҳа, катталарни ҳурмат қилиш халқимизнинг азалдан қолган одати. Агар ўша аёл отахонга салом бериб, дарҳол жой бўшатганида, қария туртиниб кетмаган, дили оғримаган бўларди.

Ҳатто ножўя айтилган сўзга отахон жавоб қайтармади. Чунки кексаларнинг ҳам баъзан ўзига яраша юмушлари чиқиб туради-да.

Бизнинг урф-одатларимизга кўра кексалар ҳар доим ҳурматда бўладилар. Кўпгина ишлар отахонларнинг маслаҳати, раъйи билан амалга оширилади. Улар ҳузурида болалар ўзларини тутиб, ортиқча шовқин қилишмайди. Қариялар уйдан чиққанида ўриндан турилиб, қуллуқ қилинади. Оёқ кийимлари тозаланиб, тўғрилаб қўйилади. Кўча-кўйда катталар ўтиб қолганида эса қўлни кўксига қўйиб, биринчи бўлиб салом берилади.

Кексалар ўзларининг ақл-заковатлари, хушфеълликлари билан ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишади.

Ривоят қилишларича, қадим замонда қарияларни ўлим тоғига олиб бориб ташлаш одат тусига кирган экан. Отасини жуда яхши кўрадиган йигит, уни тоққа олиб бормай яширибди. Бир кун подшоҳ кема билан дарё саёҳатига чиқибди. Иттифоқо кучли довул бошланиб, кемани дарёнинг чеккасига чиқариб ташлабди. Подшо ва хизматкорлар қирғоққа тушишибди. Улар атрофни айланиб юриб, дарё ёқасидаги бир тепаликка келиб қолишибди. Подшо дарёга қараса, тухумдай бир гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол йигитларига бу гавҳарни олиб чиқишни буюрибди. Йигитлар бирин-кетин сувга шўнғиб, гавҳарни топа олмай чиқишибди. Подшонинг жаҳли чиқиб, бошқаларни туширса, улар ҳам топа олмай чиқишибди. Сирли гавҳарга қизиқиб қолган подшо: "Уни ким топиб чиқса, катта бойлик инъом қиламан, топмаганлар ўлимга маҳкум этилади", деб шарт қўйибди. Навбат отасини ўлимдан олиб қолиб, яшириб қўйган йигитга етиб келибди. У отаси билан видолашаётса, отаси: "Дарёга тушмасдан олдин тепани бир қара. Ҳеч вақт гавҳар сув сатҳида бўлмайди. Қиргоқдаги дарахт шоҳида бирор қушнинг ини бўлса керак, гавҳар ўша инда тургандир. Унинг шуъласи сувга тушаётган бўлса керак", деб маслаҳат берибди. Йигит отаси айтганидек, дарахтнинг дарёга эгилган шоҳига эҳтиёткорлик билан чиқиб борибди. Қараса, ҳақиқатан ҳам пастга энгашган бир инда гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол қўйнига солиб олиб тушибди. Инда гавҳар борлигини шу юртнинг эгаси бўлмиш парилар ҳам билмас экан.

Подшо йигитдан: "Буни қандай билдинг?" деб сурабди. Йигит отаси ўргатганлигини айтиш-

Маҳфузахон РАҲИМОВА

Замон талабларига мос кадрлар фақат назарий билимларнинг мукаммал эгаси бўлишнинг қолмасдан, амалиётда хорижий асбоб-ускуна ҳамда технологиялардан тўлақонли фойдалана билиши, улар ҳақидаги сўнгги янгиликлардан доимий бохабар бўлиб бориши ҳам муҳимдир.

— Мана бўларкан-ку, озгина ҳафсала билан инсон қалбини забт этса. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам шу суяксиз тилдан чиқади.

АЛОҚА ТЎҒРИСИДА ҚОНУН

Qonun va fuqaro

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1992 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, у 13 моддадан (дастлабки таҳрирда эса 15 моддадан) ташкил топган. Қонундан кўзда тутилган асосий вазифалар унинг муқаддимасида батафсил баён қилинган бўлиб, унда алоқа тармоқларини ташкил қилишнинг умумий ҳуқуқий-иқтисодий асослари, шахобчаларни барпо этиш ва улардан фойдаланишда, хизмат кўрсатишда мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг алоқа воситаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ва бошқариш соҳасидаги ҳуқуқлари ҳамда вазифалари белгиланган. Шунингдек, ушбу қонун билан бирга мавжуд ҳуқуқий меъёрларни бузганлик ва кўрсатилган мажбурият ҳамда вазифаларни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари аниқлаштирилган.

АЛОҚА — Ўзбекистон Республикаси хўжалик ва ижтимоий инфратузилмасининг таркибий қисми бўлиб, аҳолининг, хўжалик субъектларининг, давлат идораларининг почта, телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг бошқа турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг хусусий ва оммавий шаклларига асосланган, шунингдек, хорижий юридик шахслар ва фуқаролар ихтиёрида бўлган аҳолига алоқа хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолият кўрсатиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, ёзишма, телефон сўзлашувлари, телеграф хабарларининг сир сақланиши қонун билан муҳофаза қилинади.

Миродил БАРАТОВ



Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 39-мактабнинг 11 йиллигига ажойиб совға бўлганлиги ҳақида аввал хабар берган эдик. Суратда кўриб турганингиздек, анашу янги мактабда янги ўқув йили бошланиб, ўқувчилар ўзгача меҳр билан таълим олмоқдалар.

Бурхон РИЗО олган суратлар.

ИНСТИТУТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ

Anjuman

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Европа Иттифоқининг ТАСИС Координацион бюроси билан ҳамкорликда "Институт ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдаги роли" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Буюк Британиянинг Хаддерсфильд университети тўқимачилик департаментининг бошлиғи, доктор Жон Пиерсон, Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури минтақавий вакили Питер Редиш, ТЕМПУС дастурининг мамлакатимиздаги координатори Азиза Абдураҳмоновалар ҳамда институт профессор-ўқитувчилари ўз илмий-амалий маърузалари билан иштирок этдилар.

— Таъкидлаш лозимки, сўнгги йиллар мобайнида давлатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган миллионлаб хорижий сармоялар эвазига тўқимачилик соҳасида кўплаб қўшма корхоналар ҳам барпо қилинди. Ушбу корхоналар шуниси билан аҳамиятлики, улар энг замонавий технологиялар билан жиҳозланиб, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, асосан четга экспорт қилмоқдалар. Натижада, давлатимиз ғазнаси хорижий валюталар ҳисобига бойияпти. Айнан шундай технологияларда замонавий дизайндаги, сўнгги модага мос кийимбоп матолар яратиш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам бугунги долзарб масалалардан биридир, — дея таъкидлади анжуманда институт ректори Ҳалима Алимова.

Кейинги йилларда институтда кўпгина янги мутахассислик ва бўлимлар ташкил қилинди, ҳамда талабаларнинг замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Ишлаб чиқариш корхоналарида талабаларнинг амалиётларини янада самарали ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, аксарият талабалар маҳаллий корхоналар фаолияти билангина таниш эканлиги, хорижий сармоялар ёрдамида бунёд қилинган қўшма корхоналарда эса бўлғуси мутахассислар иштироки анча сустлиги жиддий танқид қилинди. Замон талабларига мос кадрлар фақат назарий билимларнинг мукаммал эгаси бўлибгина қолмасдан, амалиётда хорижий асбоб-ускуна ҳамда технологиялардан тўлақонли фойдалана билиши, улар ҳақидаги сўнгги янгиликлардан доимий бохабар бўлиб бориши ҳам муҳимдир.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТАЪЛИМ

Seminar

Таълим тизимидаги олиб борилаётган ислоҳотлар, таълим-тарбия мазмунининг ўзгариши бугун ўқитувчи ва ўқувчи олдига янгидан-янги талабларни кўндаланг қўйди. Зеро, бугунги ўқувчи фақатгина тингловчи эмас, мустақил фикрловчи, изланувчан ва ташаббускор шахсга айланмоғи зарур.

Куни кеча республика Таълим марказида бошланган "Умумий ўрта таълим тизимида ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-услубий асослари" мавзусидаги икки кунлик илмий-амалий семинарда ҳам айни шу масалаларга алоҳида урғу берилди. Семинар дастурига кўра дастлаб иштирокчилар ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари, янгидан-янги ахборотлар билан танишишларида муҳим ўрин тутадиган компьютер технологияларини умумий ўрта таълим мактабларига олиб кириш, дарс жараёнида уларнинг кенг имкониятларидан фойдалана олиш, қолаверса, ўқитувчининг дарсларни янада қизиқарли ва тушунарли ўтиши учун дарсликларнинг электрон вариантларини яратиш, электрон кутубхоналарни ташкил этиш, халқаро интернет тармоғига кириб бориш ва у орқали дарс самарадорлигини янада оширишга эришиш мақсадида таълим тизимидаги ўқув-педагогик дастурлар ва WEB саҳифалар кўргазмаси билан танишдилар.

Шундан сўнг ялпи йиғилиш бошланиб, уни республика халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев очди.

— Маълумки, ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган давлат таълим стандартининг ижросида, — дейди ўз нутқида У.Мусаев, — бугун ечимини кутаётган муаммоларимиз етарли. Уларнинг тез орада ҳал этилиши эса бир жиҳатдан янги технологияларнинг таълим тизимига жорий этилишига ҳам боғлиқ. Зеро, ҳеч бир соҳа ривожини замонавий техник жиҳозларсиз тасаввур қилиш қийин.

Ушбу соҳани ривожлантиришга доир жорий йилнинг май ва июнь ойларида қабул қилинган Президент Фармони ва ҳукумат қарорининг аҳамияти катта. Зеро, у ахборот технологияларининг жамиятимизда тутган ўрнининг янада муҳим эканлиги ва уни ривожлантиришнинг истиқбол вазифаларини белгилаб берганди. Утказилаётган мазкур илмий-амалий семинар ҳам ушбу Фармон ва қарорларнинг ижроси йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Б.ЖОВЛИЕВ

МАКТАБ МУАММОЛАРИ ЙЎҚ ЭМАС

Anjuman

Ички ишлар вазирлигига қарашли Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби профессор-ўқитувчиларининг анъанавий ўқув-услубий анжуманида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар жараёнига ижобий баҳо берилиб, сўнгги йилларда курсантларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, янги замонавий ўқув воситалари, илғор компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Мактабнинг айрим мураббийлари ҳамон компьютер техникаси билан ишлаш кўникмасига эга эмас. Бу муаммони бартараф этиш мумкинми? Ўқитувчиларни саралаш чоғида уларнинг қай даражада компьютер саводхонлигига эга эканлиги ҳам инобатга олиниши зарур.

Мураббийлар ишига бериладиган баҳо — дейди мактаб бошлиғи, полковник Матрасул СОБИРОВ ўз нутқида, — бу биз тайёрлаб чиқараётган кадрларнинг салоҳияти билан белгиланади. Шу боис, машғулотлар кундалик амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши, танланган мутахассислик бўйича юз бераётган энг сўнгги янгиликлардан доимо бохабар бўлиб боришларига бевосита мактаб маъмурияти, устоз ва мураббийлар шарт-шароит яратиши, зарур ёрдамларни кўрсатиши лозим.

Анжуманда мактаб бошлиғининг биринчи ўринбосари А. Худоев таълим тизимида рўй берган бир қатор янгиликлар хусусида ҳам тўхталиб, жумладан, информацион технологиялар мутахассислиги ҳамда қўриқлаш хизмати бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилганлигини таъкидлади.

Ўктам ҲОЛИҚОВ,
Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ходими

МЕҲРНИНГ МАНЗИЛИ

Дунёда ҳар бир нарсанинг жуфти ва қарама-қаршиси бўлади: куннинг акси — тун, баландники — паст, яхшиликники — ёмонлик, меҳрники — қаҳр... Ушбу мақоламизнинг ёзилишига айнан шундай бир-бирига зид бўлган кучлар тўқнашувидан ҳосил бўлган ҳолатлар сабаб бўлди.

Ҳадиси шарифда "Сизларнинг энг полвонингиз бирор кимсани курашиб йиқитган киши эмас, балки ғазаби келганда жаҳлини юта олган кишидир. Сабр ва бардош Тангридан, шошқалоқлик эса шайтондандир", — деб келтирилади. Ҳақиқатан ҳам сабрсизлик — қораланадиган қусур. Унинг оқибатида жаҳл оти отланади. Айниқса ўзига хону ўзига бек бўлган болажонлар ҳаракатига нисбатан сабрсиз бўлиш уларнинг тоғдек кўнгилларини бир зумда чўктириши, нурли ялтираган кўзларини нурсизлантириши, мурғаккина беғубор қалбларини нафратга тўлдириши мумкин. Чунки, болага билдирилган ҳар қандай рағбат ва ҳар қандай эътиборсизлик инобатга олинадиким, биз билмаган ҳолларда у бола ҳаётида ўз изини қолдиради. Олайлик, бизнинг ҳар бир қилган ишимиз атрофимиздаги барча болаларга ибрат ёхуд унинг бутунлай тескариси бўлади. Руҳшуносларнинг исботлашларича, сиз бола берган саволларга — "уф, намунча кўп гапирасан, ҳадеб эзмаланавермагин. Бу нарсаларни билишингга ҳали эрталик қилади, вақти соати келса билиб оласан", деб жавоб беришингиз ёки бўлмаса "мен гапираётганимда кўпам қўшилавермай, жим ўтиргин. Одобли болалар бировларнинг олдида тинч ўтиришади..." дея дакки беришингиз қизиқувчан боланинг фикрлашини, ўз-ўзига ўктам бўлишини, одамлар билан эркин мулоқотда бўлиш каби хислатларига тўсқинлик қилади.

Ёки аксинча, бола бажараётган ҳаракатга бўлган эътиборингиз ундаги интилувчанликни ривожлантириб, ўз қизиқишларига нисбатан содиқлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Масалан, уч ёшли қизчангиз қўғирчоғининг сочларини чиройли қилиб тараб, ўрсаю сиз унга:

— Баракалла, ақлли қизим, ҳар доим мана шундай тартибли бўлгин. Ўзингнинг ҳам сочларинг шундай узун бўлганда ўзим турмаклаб қўяман, — деб руҳлантирмасангиз, у ўз меҳнатининг самарасини кўра олмаганлиги туфайли қадрига етмайди. Бунинг ўрнига қониқмаслик кайфияти билан "кашфиётлари"ни бузишга киришади. Айни пайтда ўғлингизнинг автомашина ва шу каби бошқа ўйинчоқларга бўлган қизиқишларини ҳурмат қилганингиз ҳолида, унга транспорт воситаларидан келадиган зарарли оқибатлар ва тўғри фойдаланилганда юзага келадиган фойдалар хусусида оддий, самимий қилиб гапирсангиз, у шу ёшидан бошлаб ҳар бир нарсанинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилади, тор доирада фикрлашдек иллатдан узоқ бўлади.

Кўпинча болаларимиз боғчага бормайдиган шанба ва якшанба кунлари сершовқин, ташвишли вазиятлардан шошиб, гоҳида безор бўламиз. Биз бир ёки икки кун ичида шундай ҳолатга келамиз. Лекин, мактабгача таълим муассасаларида хизмат қилаётган тарбиячилар ўндан ошиқ болалар билан кун давомида бирга бўлишади. Нафақат бирга бўлишади, балки уларнинг барча хатти-ҳаракатлари иштирокчиси, назоратчиси, керак бўлса жавобгарлик юкидаги масъул шахс ҳисобланишади. Боиси, боғча опанинг ҳар бир билдирган муносабати ва ҳаракати "бировнинг омонати" бўлган болажонлар тақдирига алоқадордир. Шунинг учун ҳам бу касб эгаларида шарафдан кўра машаққат кучлироқ. Тўғри, ҳамма касбларнинг ўзига яраша қийинчилиги бўлади. Аммо, тарбиячи бўлишни ичидан хоҳламаган, болалар билан ишлашни севмаган, сабрсиз ва меҳр дарёси тошмайдиганлардан бошқа касб эгаси чиқса ҳам тарбиячи чиқмайди. Вазият тақозоси билан, яъни бошқа бировларнинг кўрсатмалари ва тавсиялари туфайли тарбиячи "бўлиб қолаётганлар"дан бугун мактабгача таълим муассасаларида "ёмон боғча опалар" ҳам учраб туради. Айни дамда фарзандингизнинг эрта билан "боғчага бормайман" деб хархаша қилгани-ю, кун оққанда уйга қайтгач, "боғча опам уришдилар" ёки "урдилар" дея кўзларидан шашқатор ёш оққанича чуқур-чуқур ўксингани хаёлингизга келгандир. Тўғри, кўп ҳолларда бу кўнгилсизлик турмуш ташвишларига берилганингиздан ёдингиздан кўтарилиб кетиши мумкин. Бироқ, болакайнинг ўзидек нозик кўнгли яраланади. Катта бўлганида ҳам у шу воқеаларни хурсанд бўлиб хотирламайди, албатта. Шундай болажон ва сабрли бўлмаган тарбиячилар "марҳамати" эвазига нафақат кўнгиллар озорланади, балки кичкинтойлар соғлигига таъсир қиладиган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Гапни узоқдан бошлаганимизнинг сабаби қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган муассаса жамоасини айблаш эмас, балки бу ҳолатдан тўғри хулоса чиқаришдир. Чунки республикамиздаги мавжуд 6845 та мактабгача таълим муассасаларининг ҳар бирида шундай воқеалар содир бўлиши мумкин. Олиб келиб тақаганимиз, беэътиборлик натижаси ўлароқ, юзага келган ҳодиса тафсилотларига сиз ҳам гувоҳ бўлинг.

1-ҲОЛАТ

Ўтган ёзнинг чилласи ҳар йилгидан ҳам жазирамали кечди. Айниқса гоҳ-гоҳ шивалаб ёққан ёмғиру тўсатдан қуйиб берган жала ўзига хос бўлди. Иқлим ўзгаришларининг оқибатлари дея эътироф этилаётган бу бемаврид ёғингарчилик зарарларию, фойдаси ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Бевосита ҳикоямизга тегишли жиҳат бўлганлиги учун келтириб ўтдик, холос. Хуллас, шундай жалаю ёмғирлар тоғлар қўйнидаги бир қишлоқда биз ўйлагандан кўра шиддатлироқ ёғди. Айни шундай вақтларнинг бирида, аниқроғи ёз кунларининг қоқ ўртасида, ҳафтанинг сешанба куни шу ерда жойлашган мактабгача таълим муассасасига одатдагидек эрта тонгдан болалар келишди. Ҳамма қатори ҳали боғчага кела бошлаганига 3 ой бўлмаган ака-ука 3,5 ёшли Элдўст билан 2,5 ёшли Бағланни ҳам онаси олиб келиб қўйди. Бошида бу ер шароитига, муҳитига ҳеч ўргана олмаган болакайлар энди-энди ўртоқларига қўшилиб қолишган. Тарбиячи Салима Умарқулова кези келса уларни айланай-ўргилай қилиб турарди. Кўрсатилган бундай "мулозаматлар" кимга ҳам ёқмайди дейсиз?

Нима бўлди-ю, икки-уч кундан бери Бағлан билан Элдўстнинг яна боғчага бормайман, деб оёқ тирайдиган одати кўзгаб қолди. Сабабини билсак, Салима опа меҳнат таътили олиб, ишга келмаётган экан. Кадрлар танқислиги туфайли жамоада энага бўлиб ишлаб юрган ёшгина Муаттархон вақтинчаликка шу гуруҳга тарбиячи қилиб қўйилибди. Тарбиячи "лавозимидаги" бу энага воқеа содир бўлгунга қадар қандай ишлагани, қай даражада болаларга муомала-муносабат қилганлиги бизга қоронғу. Бугун ҳам кун мобайнида машғулотлар ўтилди. Аксига олиб куннинг иккинчи ярмида яна ҳавонинг авзойи бузилди-ю, жала қуя бошлади. Соат 15 ларда бошланган ёмғирдан қочиб тарбиячи болаларни ичкарига олиб кирди. Лекин... Синчков бўлмаган тарбиячи оғир, босиққина Элдўстнинг гуруҳга қайтиб кирмаганини сезмади, шекилли! Шу алфозда боғча ҳовлисидаги ўриндиқда икки соатдан кўпроқ қолиб кетган Элдўстни боғчадан олиб кетишга келган акаси Эржон жунжикиб, шилта бўлган ҳолда "топди". Кечаси билан юқори ҳароратда иситмалаб чиққан Элдўстнинг эртасига инжиқлиги кучайди. Уйга чақирилган шифокор намлик таъсирида қулоқ ости безларининг яллиғланиши натижасида тепки бўлганлигини аниқлаб, шу ташхис бўйича шифохонада даволанишга кўрсатма берди. Орадан бир кун ўтмай Элдўстдан Бағлан (укаси)га ҳам тепки юкди. Икки фарзандни шифохонада олиб ётиш қийин бўлганлиги учун, уларни 9 июлдан 22 июлгача оқ халатли опалар уй шароитида даволашди. Ортиқча асаббузарликлар, бир хонадон ҳаловатининг йўқолиши, дори-дармонлар учун сарфланган маблағлар ҳақида гапиришни ўзимизга эп билмадиг-у лекин болакайларнинг шунча қийналганлари биргина сабрсизлик ва синчков эмаслик оқибатида юзага келди-да!

Нега энди масъулияти тарбиячиникидан-да кам бўлмаган бу энага бир зум бўлса: "Бу қора кўзлар боғчада бировнинг эмас, ўзимнинг фарзандларим, улар менинг қаҳрим қусуридан озорланиб эмас, меҳрим тафтида тобланиб ўйнашсин" деб ўйлаб кўрмади экан...

2-ҲОЛАТ

Келтирганимиз каби боғча опалар онда-сонда учраб турар-ку, лекин бундайларнинг бутунлай тескариси бўлган қалби қайноқ, ижодкор, ўзини "сен" деб, тарбияланувчиларни "сиз"лагувчи, касби учун ҳаловатидан кечадиганлар бисёр. Ҳарқалай худо ёрлақаб қаҳрамонимиз бўлган Элдўстнинг гуруҳига шундай энагалардан бири Наргиза Исобекова тарбиячи қилиб қўйилди. Энди янги боғча опанинг шахсий намунасини қаранг. У 15 июль куни гурухдаги барча жажжиларни Бағлан билан Элдўстнинг уйига олиб борди. Касал кўришга келган ўртоқларини кўриб икки лунжи шишган болакайларнинг боши осмонга етиб, режимда бўлса-да, ўрниидан туриб кетганлигини айтмайсизми?! Болаларига қараб ич-ичидан зил кетиб ўтирган онаси Гулжазира ҳамда бувиси Омонгул онанинг ҳам хурсандчилиги чексиз бўлди. Чунки болалардан атайлаб ўртоқларининг соғайиб кетишларини кўзлаб далда берувчи, кўнгилни кўтарувчи, ҳазиломуз шеър ва аскияларини эшитган нуроний бувижон ҳам завқланганидан шундай дейди:

— Мана бўларкан-ку, озгина ҳафсала билан инсон қалбини забт этса. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам шу суяксиз тилдан чиқади. Бу боғча опа ўзи меҳрибон бўлганлиги учун тарбиялаётган болаларига ҳам ҳозирдан бир-бирларига меҳрли бўлишларини сингдираяпти. Ахир, меҳр ришталари шу пайтдан фарзандларимизнинг юрагида куртак ортса, ёмонликнинг, разилликнинг оёғига болта уриб, яхшиларнинг сафини кенгайтирамиз. Ҳеч эътибор қилганмисиз, ҳозир муштдеккина болаларимиз ҳам кўпинча асабий кўринади. Бунга албатта ота-оналар, тарбиячи, устозларнинг таъсири сабаб. Биз бувилар уни-буни маслаҳат қилишимиз мумкин. Аммо, гўдакка минг айтганингиздан бир бора кўрсатиб, ўрнак бўлганингиз афзал-да.

Ҳақиқатан ҳам Омонгул бувининг гапларида жон бор. Тарбияда болага қандай таъсир кўрсатилса, шундай натижа берилади. Наргиза опа каби фақат гап билан эмас, шахсий намуна орқали болаларни изидан эргаштираётган тарбиячилар "қўлидан чиққан" болалар ҳаётга муҳаббатли, атрофидагиларга ҳурматда бўлиши, шубҳасиз. Чунки, мактабгача таълим ёшидаги боланинг биринчи галдаги андоза олувчилари ва ёки тақлидчилари ота-онаси бўлса, ундан кейинги ҳавас қиладиганлари ва ортидан эргашадиганлари боғчадаги тарбиячилари бўлади. Танишганингиздек, озгина кўрсатилган эътибордан бунёд бўлган улкан меҳр мурғаккина қалбларда манзил топди. Бу кун болажонлар хотирасидан анча вақтлар ўчмай юриши тайин. Боиси, илк бора дўстлик ришталарини, бир-бирларини қадрлаш ва самимийлик сингари туйғуларни ҳис қилган кичкинтойларнинг кўнгилларида ёрқин из пайдо бўлганлигини уларнинг юз-кўзларидан шундоққина билиб олса бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мактабгача таълим муассасаларида учраб турадиган бундай ҳолатлар барча тарбиячиларга ўйлаб кўрадиган, ҳатто қайта такрорланмаслиги учун мактаб бўладиган ҳодисадир. Сиз бунга нима дейсиз, азиз тарбиячилар?

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat"мухбири

P.S. Мана, кўриб турганингиздек, бир боғчадаги икки хил боғча опа фаолиятини баҳоли қудрат кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Эътибор берган бўлсангиз, биз мазкур МТМ манзилини кўрсатиб ўтмадик. Боиси, бундай вазиятлар бугун ҳар бир болалар муассасаларида бўлиши мумкин. Мақсадимиз эса, ҳали эндигина болалар билан ишлай бошлаган, ёш ва муайян тажрибага эга бўлмаган Муаттархонни бу ҳодиса сабабчиси қилиб кўрсатиб, айблаш нияти эмас. Аксинча, бошқа тарбиячиларга бола тарбияси ўта нозиклигини ва ҳар қандай ҳолатлар учраб туришини эслатганимиз ҳолида, ҳушёрликка чақирмоқчимиз. Ўйлаймизки, мазкур мактабгача таълим муассасасининг илғор иш тажрибага эга бўлган, кўпйиллик ҳаётий кўникмаларга бой тарбиячилари Муаттархон ва у каби ёш энага ҳамда тарбиячиларга устозлик қилиб, ўз маслаҳат ва насиҳатларини аямайди. Зеро, устоз кўрган устозлар(тарбиячилар) шошқалоқлик қилишдан тийилиб, узоқни кўзлаб иш тутадиган бўлишлари тайин.

ТЎҚҚИЗ СОННИНГ ҒОЛИБЛАРИ

Август ойида газетамизнинг 9 та сони чиқди. Ҳар галгидек, уларда эълон қилинган энг яхши материаллар танлов ҳайъати томонидан танлаб олинди.

Энг яхши саҳифа *— "Мақсадга етишнинг етти шарти", Филология фанлари номзоди Н.Қувватов, 21 август сони. Ушбу саҳифа "Фильмларда ахлоқ тарғиботи" (28.08), "Жалолиддин Румий" (17.08), "Маърифат"га мактублар" (24.08), "Уларнинг барчасининг ниятлари эзгу, йўллари чароғон" (3.08) саҳифаларидан кўпроқ овозга эга бўлди. Август ойида саҳифалар ранг-баранглиги кузатилди ва энг салмоқлиси ғолиб чиқди.*

Энг яхши мақола *— "Болалик салтанатининг хазинаси", Насиба Эрхонова, 7 август сони. Ёш журналистнинг миллий ўйинчоқлар орзусидаги мулоҳазалари баён этилган мақоласи учун танлов ҳайъати аъзоларининг 62,5 фоизи овоз бердилар.*



Энг яхши интервью *— "Ҳажвчининг виждони уйғоқ, ўзи таъмадан йироқ бўлиши керак", Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов билан суҳбат, Абдулҳамид Абдуаҳад ўғли (суратда), 3 август сони. Таниқли адиб билан суҳбат қизғин баҳслардан сўнг "Ўқитувчи нонининг тотли таъми" (Марат Зокиров билан суҳбат), (31.08), "Қизиқчининг гапида ҳам мантиқ бўлиши керак" (Ортиқ Султонов билан суҳбат, 10.08) каби суҳбат-интервьюларни ортда қолдирди.*

Энг яхши янгилик *— "Илғор муаллимага — тўрт хонали уй", Маҳмуда Валиева (суратда), 28 август сони.*

Юнусобод туманидаги 259-мактаб муаллимаси Н.Акбарова "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани бўйича ўтказилган энг намунали дарси учун туман ҳокимлиги томонидан 4 хонали уй билан тақдирланди. Бу ҳақдаги хабар ойнинг энг яхши янгилиги деб топилди.

Энг яхши фотосурат *— Тест натижалари эълон қилинган тахтачалар олдидаги ҳаяжонли дамлар акс этган лавҳалар. Жамшид Шарипов. 14 август сони.*

Танлов ғолиблари ижодига барака тилаб, сентябрь ойи танлови янада қизғин кечишини истаб қоламиз.

МУСИҚА ДАРСЛАРИДА МАҚОМ

Мусиқа маданияти дарслари мазмунан бой, намунали ва самарали бўлмоғи керак. Мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, чолғу асбоблари ҳақида маълумотлар йиғиш, устоз санъаткорлар ижодини ўрганиш ўқувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Замонавий мусиқа, кино мусиқаси, болалар мусиқаси, мусиқали драма ва комедиялар ҳақидаги маълумотлар ўқувчи онгига санъат тушунчасининг янада чуқурроқ сингишига хизмат қилади. Шунингдек, мусиқа дарсларида мумтоз мусиқаларни, мақомнинг наср (ашула йўли) ва мушкилот (чолғу йўллари) йўлларини тинглаш, айримларини куйлаш давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида тавсия этилган.

Мақомлар қадимдан устоз-шогирд анъанаси асосида авлоддан-авлодга етиб келган мусиқа тури ҳисобланади. Миллий мусиқачиликда мақомга нисбат бериладиган бўлса, у мукаммал, мураккаб йирик мусиқа деб таърифланиши жоиздир. Халқ ўз ҳис-туйғуларини куй билан шу қадар уйғунлаштирганки, бирор жумланинг ижроси ўзгарса, мақом асаридаги ўзига хос салмоқ ва жозиба ҳамда ижрога путур етади, яъни биз мақомни маҳорат билан севиб ўрганишимиз шарт, токи у бизгача қандай гўзал бўлиб етиб келган бўлса, биз ҳам уни ёшларга имкон қадар мукаммал ўргатмоғимиз зарур.

Шу билан бирга мақомни мактаб ва ҳатто боғча болаларига ҳам тинглатиб, ҳам ўргатилиши миллийликни тушуниш ва қадрлаш бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадимиз сари бир қадар яқинлаштиради.

Мақомларни тинглай билиш ва куйлашга ўрганишимиз, уни онгли равишда идрок эта олишимиз, шунга интилишимиз ижобий қарашларимизнинг шаклланишига кўмаклашади.

Мақом дарсларининг ташкил этилиши учун ўқитувчи ўз билим ва маҳоратига таянади. Бунда дарсни бошлаш жараёнига қуйидагича ёндашиш мумкин:

— биринчидан, ўқувчиларнинг овоз диапазонларини имкон қадар аниқ белгилай олиши;

— иккинчидан, ўрганиладиган мақомнинг авж қисмлари қайси баланд нотагача боришини билиши шарт. Ўқитувчи ўқувчилар овоз диапазони имкониятидан келиб чиқиб, ижронинг ёқимли бўлишига эътиборни қаратади. (Мақомни ўз тонидан бир тон пасайтириб, ижронинг яхшиланишига эътиборни қаратади);

— учинчидан, ўрганиладиган асарни имкон қадар магнит тасмаси орқали касбий маҳорат билан ижроси таъминланган қўшиқнинг танлаб тинглатилиши муҳим;

— тўртинчидан, улуғ устозларга мансуб ижроларни тинглаш ва уларнинг юксак маҳоратларидан ибрат олиб ўрганишга эришиш лозим;

— бешинчидан, мақом матнларидаги сўзларнинг мазмунини ҳам ўқувчига тушунтириб, сўнг ўргатилиши яхши натижа беради.

Мақом дарсларини ўргатиш, бир сўз билан айтганда, ўқитувчидан касбий маҳорат талаб этади. Касбига меҳр қўйган устоз мураббийлар миллий мусиқага эътиборни янада оширишлари, мусиқа дарсларида мақомларнинг сайқалланиб ижро этилишига эришмоқлари керак.

Миллий мусиқа меросимизга ижобий муносабатлар мактабларда ўтилаётган мусиқа дарслари билан боғлиқлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Ирода ОТАЖОНОВА,
Бухоро шаҳаридаги 29-мактабнинг
мусиқа фани ўқитувчиси

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ 2003 ЙИЛ УЧУН ДОКТОРАНТУРА ВА АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Докторантурага:

1. 13.00.01-Педагогика тарихи ва назарияси
2. 13.00.02-Ўқитиш назарияси ва методикаси (фан тармоқлари бўйича)

Аспирантурага:

1. 07.00.02-Ўзбекистон тарихи
2. 09.00.01-Диалектика ва билиш назарияси
3. 10.01.03-Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти)
4. 10.02.02-Миллий тиллар (ўзбек тили)
5. 13.00.01-Педагогика назарияси ва тарихи
6. 13.00.02-Ўқитиш назарияси ва методикаси (фан тармоқлари бўйича)
7. 19.00.01-Умумий психология
8. 22.00.06-Маданият, маориф ва фан социологияси
9. 23.00.01-Сиёсий фан назарияси ва тарихи

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурага ўқиш учун 35 ёшгача, докторантурага 45 ёшдан ошмаган, танлаган ихтисослиги бўйича олий маълумотли ёки магистратурани битирганлар қабул қилинади.

Аспирантурага кириш учун аризалар университет ректорининг номига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади: ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақаси, таржимаи ҳол, охирги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси, ҳамда синов ва имтиҳонлар варақасидан кўчирма, эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, нашрдан чиққан илмий ишлари бўлмаган талабгорлар ихтисослиги бўйича 20-25 бет ҳажмида илмий маъруза (реферат), тиббий маълумотнома (У-086) топширадилар.

Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 2002 йил 25 октябргача қабул қилинади.

Қўшимча маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректорига (152-74-39), аспирантура бўлимига (54-74-20), (манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Юсуф-Хос Хожиб кўчаси, 103-уй) мурожаат этишлари мумкин.

ЭҲТИЁЖ МАКТАБИ

ёхуд халқнинг орзулари замирида нималар ётган эди

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичма-босқич амалга ошаётгани, мактаб, коллеж ва академик лицейларда берилаётган сабоқлар самараларини кўриб кўнглимиз кўтарилади. Шундай дамларда тарихда миллатимиз фарзандларини илмсизлик ботқоғига солган, улар онгига ўзининг сохта ақидаларини сингдиришга уринган тузумдаги адолатсизликлар ҳам ёдга келади. Мудҳиш замонларнинг ўтиб кетганига, халқимизнинг мустақиллик шароитида эмин-эркин яшаб, меҳнат қилаётганига, ёшларимизнинг беминнат билим олаётганига шукроналар айтасан. Дарҳақиқат, тарихдан сабоқ ва ибрат олиб яшаш кишига бугунги неъматларнинг қадрига етиб яшашни ўргатади.

ХХ аср бошларида ўлка маърифатпарварлари миллатни босқинчилар зулмидан озод қиладиган ягона йўл уни тарбиялаш, билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришда деб билганлар ва бу ишни амалга оширадиган омил янги усулдаги (жадид) мактаблари эканига ишонганлар. Замирида озодлик ётган бу ҳаракат, гарчи кенг қанот ёйиб бутун ўлкани қамраган ҳолда кутилган натижаларни бермаган бўлса-да, ўша давр ижтимоий-маънавий муҳитига жуда катта таъсир кўрсатди.

Moziy

Туркистон миллий бирлиги намояндалари ҳомийлиги ва раҳбарлигида Францияда чоп этилган "Ёш Туркистон" журналида миллий мактаб ва мафкура масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Жонкуяр маърифатпарвар ва истиқлолчилар "Халққа ўзлигини англатадиган миллий мактаблар керак!" дея бонг урганлар.

Фикримизнинг исботи сифатида "Ёш Туркистон" журнали саҳифаларидан ўрин олган бир неча мақолаларни келтиришимиз мумкин. Миллий мактаб зарурати ҳақидаги ана шундай мақолалардан бири журналнинг 1930 йил январдаги 2-сонида чоп этилган "Туркистонда мактаб масаласи" мақоласидир.

Темур ўғли қаламига мансуб ушбу мақолада ўтган асрнинг йигирманчи йиллари миёнасида юзага келган маориф муаммолари, совет ҳукуматининг зиёлилар, айниқса, миллий ғурурга эга ватанпарвар ўқитувчиларга, мактабга муносабати ўз аксини топган. Муаллиф мақолада ўлкадаги миллий мактаб масаласига бефарқ бўлган совет маъмурларини танқид қилади, жадид мактаблари тақдирига, миллатнинг илмсиз қолаётган болаларига ачинади.

Қуйида ушбу мақола жузъий ўзгартиришлар билан эълон қилинмоқда.

ТУРКИСТОНДА МАКТАБ МАСАЛАСИ

"Рус инқилобигача Туркистонда уч турли мактаб бор эди. Буларнинг тарихий эътибори билан икки эскиси, икки қувватлиси, табиийки, масжид мактаблари билан диний мадрасалар эди. Халқимизнинг ҳирси йўлиндаги қиммат манбаларини тўплаб, ёлғиз у манбадан яшаб келмоқда бўлган, кечмишдаги хизматларини инкор этиб бўлмайдирган бу илм юртлари халқнинг асрий эҳтиёжларига хизмат эта оларлик бир ҳолда эмас, ҳатто, унинг емак-ичмак қадар муҳтож бўлган ҳирси кўтарилувига тўсқин бўларлик бир руҳга кириб қолганлар эди.

Юртимиз рус бўюнтуруғи остига киргандан сўнг рус ҳукумати мактаблари масаласи ўртага чиққан эди. Турли шаклларга кириб чиққандан кейин русмаҳаллий (рус туземний) исми остида тақриз этилган бу мактабларнинг ғоялари рус тили ва рус ҳирсига беминнат хизмат этардилар.

Натижада чор ҳукуматининг таъқиб этган сиёсатига қониқарлик даражада хизмат эта олмаганлиги кўрилган бу мактаблар у халқнинг асрий ва маданий эҳтиёжига хизмат эта билиш имконидан кўп узоқ эдилар. Ҳукуматнинг зоҳирий қурилиши эътибори билан ерли халқнинг яшаш тарзига уйғун фақат руҳий, тарбияси эътибори билан юқорида айтганимиз мақсадга хизмат этишини ўйлагани шу мактабларга ерли халқ ўз ҳирсига кўз тиккан, болаларини қўлидан олмоқ учун қурилган бир тузоқ, деб қарар эди. У мактабга мажбурий суратда юборилган болаларини ўзи учун йўқолган, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ўз боласини беришни истамаган бойларнинг бу мактабга юбориш учун етим ва ё фақир кишиларнинг болаларини пул билан ёллаб юборганлари ҳам кўпгина бўлган ҳодисалардандир.

Бу икки жинс мактабда асрий эҳтиёжга хизмат этарлик бўлмаганидан севик кун-кундан ортиб ўзини кўрсатмакда бўлган халқ эҳтиёжининг, ўз мақсадига мувофиқ, бир мактаби типий чиқариши табиий бир нарса эди. Мана шу халқ эҳтиёжининг чиқарган мактаби "жадид" мактаблари эди. Халқнинг асрий маданий эҳтиёжларига унинг тараққий ва инкишофига хизмат этмоқчи бўлган бу мактаб на биринчи тип мактаб-мадрасалар каби вақф сармояларига ва на-да иккинчи жинс каби ҳукуматнинг қуввати хазиналарига суянган эди. Унинг ягона манбаси тараққийпарвар ёшларнинг ёрдами ва халқнинг эҳтиёж ва дардини бу ерда кўрган фидокор муаллимнинг азм ва матонати эди. Унга на ҳукумат ва на-да халққа юкланган солиқлардан яшамоқда бўлган маҳаллий муассасалар ёрдам этарлар эди. Унга ҳар тарафдан ўгай ўғил, ҳатто душман назари билан қарар эдилар. Ғоясини жуда тўғри қилиб қўйган бу мактаб у ғояга эришиш учун энг қисқа ва тўғри йўлни ҳам чизган эди. Унинг учун-да бу қадар йўқлик ва нуқсонлар ичида бўлгани ҳолда озгина бир замон ичида юқорида исми кечган ҳар икки тип мактабларга ҳам ўз борлиғини сездира бошлаган эди. У бир тарафдан халқнинг бандлигини асрий бир кўзгудан кўрсатмоқ истаган эски мактаб ва мадрасаларга, иккинчи тарафдан халқнинг маданий борлиғига қасд этган ҳукумат мактабига қарши жабҳа очган эди. Чор ҳукумати бу мактабларнинг тараққийсига тўсиқ бўлиш учун ҳар турли тадбирларга киришган эди. Бутун чораларининг қарши кела олмаганини кўргандан сўнг ўзларига маданият кетирувчилар "Kulturtrugen" исмини бериб юрган мустамлакачилар мадраса аҳли билан бирлашиб ҳаракат этишдан ҳам тортинмаган эдилар. Бу икки қора гуруҳнинг бутун васвасаларига қарамасдан халқ азмкор тараққийпарварларнинг ғоя ва мақсадини оқлашда ҳеч кечикмаган эди. Буни бизга "жадид" мактабларининг сон ва талабларининг ортиши очиқ кўрсатиб турадир. Ҳукумат мактабларининг ярим асрлик фаолиятлари натижасини бу миллий мактаблар 8-10 йил ичинда кечиб, масжид мактабларига қарши зарбали ҳаракатларга киришган эдилар.

1917 йилда инқилоб бошланди. Бир қанча ҳодисалар кечгандан сўнг севгили юртимизда ўз хўжалигимиз ва мустақил ҳаётимизнинг биринчи пояси демак бўлган мухторият ҳукумати Москва қизил империалистлари тарафидан мағлуб этилади ва совет ҳукмронлиги тузилади. Совет рус идорасининг биринчи ишларидан бирида бутун мактабларни тугатиб, ўрнига бир жинс мактаби қурмоқ эди. Бу суратла халқнинг "ўрус мактаби" дейдиги — ҳукумат мактаблари, шунингдек, "миллий жадид" мактаблари, вақфларнинг ҳукумат ихтиёрига ўтиши билан эса мадрасалар ҳам ёпилган эди. Масжид, яъни мактабларнинг ҳам битирилиши кераклигидан кўпгина сўзлар бўлган бўлса ҳам, унларнинг бу кунгача давоминдан совет ҳукуматининг ўзи бир зарар ва қўрқув ҳис этмаганини, билъакс-да уни, халқни овутиш учун ўзига бир ёрдамчи, деб қараганини кўрамиз.

Ҳукумат назарида "ўрус мактаблари" битирилиб, еринда совет мактаблари қурилгандир. Бу мактабларда умумиятла Туркистонда юритиладиган сиёсатини А.Тожиев исмли бир коммунист "шакл эътибори билан миллий, мундарижа эътибори билан пролетарча", деб кўрсатадир. Бу дастур, табиийки, совет ҳукуматининг мактаблардаги тарбия асосларини ҳам кўрсатадир. Энди бу коммунист "шакл эътибори билан миллий, мундарижа эътибори билан пролетарча", деб кўрсатган сиёсат ва тарбиясини Туркистон халқи ва деҳқонларининг қайси бир шаклда кўрганини яна бир масъул коммунист оғзидан эшитайлик. Ўзбекистон фирқа котиби Акмал Икромов яқинда бўлиб ўтган бир маориф ишчилари тўпланишида: "Бу ерда мактабимиз билан деҳқонлар кенг оммаси орасида узилиш борлигини кўрамиз. Деҳқонлар ҳозиргача мактабга ёмон қараб, кўпинча: мактабда ўқиш ё рус, ёда динсиз бўлиш ва ёки ҳеч бир нарса ўрганмаслик, деб ҳисоблайдирлар", дейдир.

Бир халқнинг эҳтиёжига хизмат этадиган ҳар қайси муассаса у халқнинг ўз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти эҳтиёжидан чиққан ва талабларига хизмат этиш йўли билан қурилган бўлиши лозим. Москвада ўтирган коммунист раислари ўзларини Ўзбекистонда (демак, Туркистонда) пролетар эътироф этиб ўтирадирлар.

Пролетарсиз халқнинг ичинда у мафкура ётдир. Пролетар ҳокимияти, пролетар сиёсати, пролетар тарбияси — ҳаммаси бу халқ учун ёт нарсалардир. Унинг учун Туркистон деҳқони Тожиевларнинг "пролетарча" деб бўяб безамоқ истаганлари тарбиянинг ҳақиқий юзини чиқариб сўйлаган. У деҳқон "пролетар тарбияси" дейдигингиз нарса ҳақиқатда "рус тарбияси" демакдир, деган. Қозоқ коммунистларидан Жондўсов совет мактабларининг "маҳсули" — комсомол ёшлардан бахт истаб, "у миллий тил ва миллий матбуотга аҳамият бермайдир. Коммунист ёшлик миллатдан ва халқнинг кўпчилигиндан узоқлашмоқдадир" дегани каби яна юқоридаги Икромовнинг ўзи-да коммунист муаллим билан деҳқонлар оиласи ўртасидаги очиқликдан айни даражада шиддат билан шикоят этмоқдадир. Совет мактабининг тарбия маҳсули ҳақидаги бу икки коммунистнинг сўзлаганлари эскида мустамлака халқлари ичидаги ҳукумат мактабларининг етиштирган руслашмиш ёшлардан этилган шикоятлардан фарқлимидир? Бу мактаблар талабасининг ортуб озалиши ишига бир кўз отсак, совет мактабларинда ўқийдирган болалар нисбатининг озлаганини кўрамиз. Яна шу Икромовга кўра, 1928/1929 ўқиш йилинда ўқувчиларнинг сони 1927/28 йилга қараганда анчагина озлаган. Айни ҳолни биз чор ҳукумати мактаби тарихинда ҳам кўрамиз.

Табиий, бу ерда бирисинда рақамларнинг катта, у бирисинда кичик бўлганидан қатъий назар бизга ҳодисанинг кетиши муҳимдир. У замонда халқ бошда асосини билмасдан ёпирилдиғи мактабнинг биринчи натижасини кўрган замон асл масаладан воқиф бўлиб қайтиб қолган эди. Демак, бу кунда айни ҳодиса қайтиб келмоқдадир.

Коммунистларнинг бу қадар шов-шув билан бақириб, турли рақамлар билан кўзларини тиндириб юрган мактабларнинг ҳақиқатда нима демак бўлганини яна уларнинг ўзларига сўйлаттирайлик. Қозоғистондаги Москва вакили Ғолашчухин идора этдиги жумҳуриятни вилоятнинг юзлари, минг ила кўрсатилган мактабларини совет ҳукуматининг ўнинчи йилинда шундай хулоса қиладир: "Қоғоз устинда Қозоғистонда кўпгина миқдорда мактабимиз борлигини кўрсак-да, ҳақиқатда овулларда ҳеч бир мактаб йўкдир. Мактаби бўлган овулларнинг мактаб учун биноси йўқ. Биноси бўлса, дарс ашёси йўқдир", дейдир.

Вақтида маориф комиссари бўлган Тўхтабой ўғлининг сўзига қараганда, қозоқ мактабларининг ёлғиз 1,5 фоизи, бунга мақбул муҳожир рус мактабларининг 28 фоизи ярарлик бино билан таъмин этилган эмиш. Яна шу йил мактаб ёшиндаги қозоқ болаларининг ёлғуз 6 фоизигинаси мактабларга ерлаша билгани ҳолда, муҳожир руслларнинг болаларидан 53,2 фоизи учун етарлик мактаб бор эмиш.

Икромовга кўра, 1928/29 ўқиш йилида Ўзбекистон болаларининг 7-8 фоизгинаси мактабларга ерлаша олган. Ҳатто, Қашқадарё каби четроқ районларда нисбат 3,5 фоизга тушиб қоладир. Руслардан ҳам аҳолиси бўлган катта шаҳарларда бу нисбат бирдан 70-80 фоизга чиқиб кетадир. Бу ҳайрат этмаслик мумкин бўлмаган фарқнинг русларгагина оид бўлганини Икромов ўзи ҳам уста бир йўл билан ишора этиб кетадир. Кўпи ярарлик бинодан маҳрум бўлган Ўзбекистон мактабларидаги муаллимларнинг том 52 фоизининг ибтидоий маълумотли, мактабда бир йилдан ортиқ ўқита олмайдирган кишилар бўлганини, яна шу Икромов ўзи сўйлаб ўтирмайдир.

Бу ерга қадар келган тафсилотдан биз биринчи навбатда шундай бир натижа чиқара биламиз: ҳаётий қийматини кўбдан йўқотган масжид мактаблари совет ҳукуматининг ўн иккинчи йилинда ҳам яшаб турадирлар. Вақтила чор Руссиясини ҳеч роҳатсиз этмаган бу мактаб бу кун совет Руссиясининг ҳам асабларига тегмайдир. Чунки ундан руслиқ учун бир зарар келув қўрқуви йўкдир. "Ўрус мактаблари" эса Туркистондан деҳқонларнинг дейдиги каби совет ҳукумати тарафиндан янада кенг ва қувватлироқ суръатда давом эттирилмакдадир. Ўртада йўқолган Туркистон халқига ҳақиқий, асрий ҳирс йўлинда хизмат этмоқ учун унинг ўз руҳи билан йўғрилиб, ўз эҳтиёжининг талаби билан чиққан ва унинг билан бирга такомил йўлинда юрган "миллий жадид мактаблари" бўлди. Иш бу қадар биланда қолмади, эски муллалар масжидлар ёнинда домлаликларига давом эта билдиги, бу кунги мустақил (?) Ўзбекистон халқининг миллий ҳиссиётини ҳақорат этиш ва этмакда бўлган руслар муаллим, мударрисликда (профессор) ва эски фаолиятларида давом этмакда экан, халқнинг оғир вазиятини кўриб, турли таҳликаларга қотланиб, унинг бу ҳирс йўлиндаги очиқлигини қўлидан келган қадар ўтаб борувига азим этган, иложизликдан совет мактабларига кирган. Туркистон халқи, муаллимига "қўй терисига кирган бўри" исми берилиб, чироқ билан қидирилмоқдадир ва топилган еринда руслиқнинг қаҳрли қўли билан отиб ташланмоқдадир. Бунинг сабабини Икромов ва йўлдошлари билмас ва билмак истамас, истасаларда халқ жуда яхши биладир. Халқ Икромов тарафидан қисқартирилдиғи, совет музей хонасида совутилдиғи ҳолда асл маъносини сақлаган отишли ифодалари билан мана шу йўқотган ўз миллий муассасасини қидирмоқда бўлганини сўйлаган. Икромовлар билмас эсалар, эзилмакда бўлган Туркистон халқи жуда яхши биладирки, бир халқ учун ҳам шакли, ҳам мундарижаси эътибори билан миллий бўлган бир муассаса лозимдир. У, ёлғуз мактаб эмас. Унинг миқдороти билан алоқадор бўлган бутун муассасаларнинг ўз руҳиндан қайнаб чиққан бўлишини талаб этадир. Буни унинг на эскидаги чор Руссияси бермак истаган ва на-да бугунги совет Руссияси бермак истайдир. Шу оғриғни сезган деҳқон бу сўзи билан миллатчи муаллимига "Эй азмкор муаллим! Кўзингни оч, вазият оғир, вазифанг муқаддасдир. Манда ёлғуз сани сўзлайман" демакчи бўладир. У қандай ранг ва шаклда бўлса бўлсин, ажнабий бир қувватнинг унинг моддий ва маънавий такомилини ҳеч-да истамаганини тажрибалари билан кўриб-билди. Эски тилмочлардан фарқли бўлмаган "усти ялтироқ, ичи қалтироқ" комиссарлар, балки алданиб ёхуд сотилиб буни билмас ва кўрмак истамаслар. Фақат халқ тажрибалари билан ортиқ алданмайдирган ҳолга кўпдан келган. Совет мактабига тўғри қимматни бериб, ўз миллий муассасасини ўйлаши унинг мувафаққиятли имтиҳонларидан бирисидир.

Ҳаққини, манфаатини билган бир халқни алдаб сақлаш, эзиб битириш мумкин бўлмаганини яқин замонларда кечган тарихларинда кўрган Совет Руссияси бу ҳақиқатни бирда Туркистонда амалда кўрмакчи бўладир. Мана, биз ёш туркистончилар шу халқ оммасининг қидиргани шакл ва маъноси билан миллий бўлган бир мактаб, бир идора, бир сиёсат ва бир тарбия учунгина курашамизки, асл қувват манбамиз у икромовларга фикрини очиқ сўйлаб турган Туркистон деҳқон ва чорвадорлари оммасидир. У халқнинг орзулари хулосасида миллий қутулиш ётадир.

ТЕМИР ўғли
"Ёш Туркистон" журнали
1930 йил, 2-сон
Н.ОЧИЛОВ нашрга
тайёрлади.

Азиз муштарийлар!

Халқ таълими вазирлигининг 2002 йилги иш режасига кўра, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Марказида ташкил қилинган ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикасида касб-ҳунарга йўналтиришни такомиллаштириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу Концепция мамлакатимизда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва ташкилий-услубий томонларини ўз ичига олган. Эътиборингизга мазкур Концепциянинг лойиҳасини тақдим этиш билан бирга унинг мазмунини янада такомиллаштириш борасидаги таклиф ва фикрларингизни кутиб қоламиз.

Ўзбекистон Республикасида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши ўқувчи-ёшларни ва аҳолини касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифаларини қўймоқда. Касб-ҳунарга йўналтириш тизимини такомиллаштириш — иш ўринларининг бўшаб қолиш жараёнлари жадаллашаётган ва ишчиларнинг малакаларига қўйиладиган сифат талаблари ошиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида янада муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг рационал ва самарали бандлигини таъминлашда касб-ҳунарга йўналтиришнинг асосий ўрни шундан иборатки, ёшлар ва аҳоли томонидан касбнинг онгли ва илмий асосланган ҳолда танлови уларнинг келгуси меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришишига замин яратади, иқтисодиёт соҳаларидаги касб-ҳунарларга бўлган мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлайди ҳамда инсонларнинг иш қидириш, таълим ва касбий фаолият турини танлашларидаги зўриқиш ҳолатларининг олдини олишга ёрдам беради.

Концепцияга Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Халқаро меҳнат ташкилотининг Низомлари, Конвенциялари ва таклифлари, бир қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг ушбу соҳадаги ишларининг амалий тажрибалари асос қилиб олинди.

I. КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

Касб-ҳунарга йўналтириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази ва вилоят, туман, шаҳар Халқ таълими бошқарма ва бўлимларида фаолият кўрсатаётган ҳудудий ташхис Марказлари томонидан босқичма-босқич ва мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга касблар олами ҳақидаги дастлабки тушунчалар, бошланғич меҳнат кўникмалари ўйинлар орқали берилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида касб-ҳунарга йўналтириш ишлари 1-9 синфларда узлуксиз тарзда ўқувчиларга тизимлаштирилган касбий ахборотлар ва касбий маслаҳатлар бериш, шахснинг психологик-педагогик ташхиси асосида амалга оширилади. Бу жараённи касбга йўналтирувчи мутахассислар, психологлар, асосий фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари амалга оширадилар. Касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ҳудудий ташхис Марказлари бу ишларни мувофиқлаштиради ҳамда методик жиҳатдан раҳбарлик қилади. Ҳар бир умумий ўрта таълим мактабларида ҳар йили тузиладиган ва мактаб директори раҳбарлик қиладиган касб-ҳунарга йўналтириш комиссиялари фаолият кўрсатадилар. Комиссия битирувчилар танлаган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишларига якуний хулосалар асосида тавсияномалар беради. Касб-ҳунарга йўналтиришнинг айрим элементлари ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бўлинмаларида, мудофаа вазирлиги ва олий таълимдан кейинги таълим муассасаларида ҳам амалга оширилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда касбга йўналтиришнинг бир бутун яхлит тизими тўлиқ шакллланмаган. Бунинг сабаби қуйидаги муаммо ва камчиликларнинг мавжудлигидадир.

Мактабларда охирги йилларда чуқурлаштирилган меҳнат таълими ва касб-ҳунарга йўналтиришнинг ўқув ишлаб чиқариш негизининг кескин камайиш ҳолатлари кузатилмоқда, ишлаб чиқариш корхоналари таълим муассасаларининг ўқув-моддий негизини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ўз ёрдамларини деярли тўхтатиб қўйдилар.

Аксарият умумий ўрта таълим мактабларида замонавий талаблар асосида жиҳозланган касб-ҳунарга йўналтириш хоналари йўқ, психологик-педагогик ташхис, касбий маслаҳат ишларини ўтказишда ташкилий ишлар, ахборот ва кадрлар таъминоти етарли эмас.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тармоқларининг шаклланиб бориши билан бир қаторда касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлигини ва ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари ва мойилликларини аниқлашга бўлган талаблар ҳам ортаётган бир пайтда ихтисослаштирилган меҳнат таълими дарсларини ташкил этишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинмаяпти ва уларнинг касбий йўналганликлари психологик жиҳатдан етарлича асосланмаётир.

Касб-ҳунарга йўналтириш ҳудудий марказларига ва умумий ўрта таълим мактабларига асосий маълумоти тўғри келадиган ва амалий иш тажрибалари етарли бўлган кадрларни танлаб олишда қийинчиликлар мавжуд.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчиларни мойиллик ва қизиқишлари бўйича қабулдан танлов асосидаги қабулга ўтилди (асосан академик лицейларда) ёки аксинча нуфузли бўлмаган тайёрлов йўналишидаги касб-ҳунар коллежларига ёппасига қабул қилиш ҳоллари учрамоқда. Олий ўқув юртларига эса абитуриентлар тест-синовлари асосида шахсий хусусият ва қобилиятлари ўрганилмасдан қабул қилинади.

Халқ хўжалиги мажмуаси тармоқларидаги таркибий ва касбий-малака ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотларнинг ўз вақтида йиғилмаслиги ҳамда уларнинг тўлиқ эмаслиги касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарасини пасайтирмоқда. Мулкчилик шакли турлича бўлган кўпгина корхоналар, ўқув юртлари ва бандлик хизматлари касб-ҳунарга йўналтириш ишлари бўйича ҳамкорликка етарлича эътибор бермаётирлар.

Балоғат ёшидаги иш билан банд ва банд бўлмаган аҳоли қатламларини касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг асосий йўналишлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланмоғи лозим бўлгани ҳолда ҳозирги кунда аҳолининг бу қатламини касб-ҳунарга йўналтириш ишлари ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмаяпти.

Меҳнатга яроқлилиги чекланган аҳоли қатламларини касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш давлат аҳамияти даражасига кўтарилган эмас.

Касб-ҳунарга йўналтириш борасидаги ишларни амалга оширувчи касб-ҳунарга йўналтириш Марказлари, умумий ўрта таълим мактаблари, ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий ўқув юртлари, бандлик хизматининг тегишли давлат тузилмалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик бугунги кун талабларига жавоб бермайди ва бу фаолият меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган эмас.

Юқоридагилар касб-ҳунарга йўналтиришнинг бир бутун тизимини шакллантириш ва ривожлантириш лозимлигини тақозо қилади.

II. КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Касб-ҳунарга йўналтириш — умуминсоний маданиятни шакллантириш жараёнининг таркибий қисмларидан бири сифатида ёш авлоднинг касбий тикланиши, табиат инъом этган (туғма) қобилиятларини ривожлантиришда кўмаклашиш, инсонга касбий ўзлигини англашига ёрдам берувчи махсус чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унинг имконият ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, бандлик ва мақбул таълим турини танлаш ишларида, турли хил малакали касб мутахассисларига бўлган эҳтиёжларда жамиятнинг ғамхўрлиги сифатида намоён бўлади.

Касб-ҳунарга йўналтириш ишининг **бош мақсади** ўзига хос усуллар ёрдамида мутахассиснинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини кучайтириш ва аҳолининг самарали бандлигини оширишга эришишдан иборат.

Касб-ҳунарга йўналтиришнинг **асосий мақсади** — ёш авлодни онгли ва мустақил равишда келгуси таълим йўналишини (академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи) танлашига ёки шахснинг психофизиологик хусусиятлари, қизиқиши, қобилияти, мойилликлари ва жамиятнинг кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиш соҳасини танлашга тайёрлашдан иборат.

Касб-ҳунарга йўналтириш қуйидаги **икки асосий вазифани** ҳал қилишга қаратилган:

— меҳнат имкониятларини оқилона тақсимлаш ва фойдаланиш ҳисобига **мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш;**

— **шахсни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш,** чунки ўз қизиқишлари, мойиллик ва имкониятларига мос келган касбни танлаган инсон ҳам касбий, ҳам моддий жиҳатдан тезроқ уни ўзлаштиради ва сезиларли натижаларга эришади.

Касб-ҳунарга йўналтириш ишининг пировард натижаси ижтимоий-иқтисодий омил бўлиб, шахсга ҳам, давлатга ҳам реал фойда келтиради.

Касб-ҳунарга йўналтиришда қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинган:

— касб-ҳунарга йўналтириш хизматларининг мажмуавий характердалиги;

— иқтисодий ривожланиш ва меҳнат бозорини ўрганиш ва прогноз қилиш орқали жамият ва шахс қизиқишларини мувофиқлаштириш;

— шахсни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис қилиш шакли, услублари ва воситаларининг илмий асосланганлиги;

— Ўзбекистон фуқароларининг ва (лозим бўлганда) бошқа давлат фуқароларининг ўқиш, иш жойи, ёши, жинси, миллати ва диний дунёқарашидан қатъий назар касб-ҳунарга йўналтириш хизматларидан фойдаланишга тенг ҳуқуқлилиги;

— касб танлаш ёки алмаштириш, таълим тури ва ишга жойлашиш имкониятларига нисбатан касбий ва бошқа ахборотларнинг бурий ишсизликнинг олдини олишда муҳим рол уйнайди. Касбга йўналтириш тадбирлари инсон томонидан ўз касбий малакасини оширишнинг қулай шаклларини излаш, ижтимоий-иқтисодий ташаббускорлик, интеллектуал ва меҳнат мустақиллигини ривожлантиради.

Ёш авлодни онгли равишда касб танлашга тайёрлашга, уни ҳар томонлама ва баркамол ривожлантиришнинг шарт-шароити сифатида қаралади. Бу шахснинг маънавий, ақлий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбияси, яъни барча ўқув-тарбия жараёни билан узвий бирликда амалга оширилади.

Касбга йўналтириш қуйидаги қисмларини ўз ичига олади:

Касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий танлов ва саралаш, касбий мослашиш.

Касбий ахборот — маълум бир касбни эгаллаш хоҳиши бўлган шахсга, турли мутахассисликларни эгаллашнинг шакл ва шароитларига, касбий малакаларнинг ўсиш имкониятларига, меҳнат бозорининг ҳолати ва эҳтиёжига, касбий қизиқишларнинг шаклланишига, шахснинг истак ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳамда замонавий касбларнинг истиқболи ва мазмуни тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тарғибот қилиш чора-тадбирларидир.

Касбий маслаҳат — касб танлаш, касбни ёки фаолият турини ўзгартиришда ёрдамга муҳтож бўлган шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, шахсий фазилатлари, касбий қизиқишлари, мойиллиги, соғлиги ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш асосида психолог-маслаҳатчи билан илмий ташкил этилган ўзаро мулоқот тизимидан иборат.

Касбий танлов ва саралаш — касбий фаолиятнинг алоҳида турларига яроқлилик даражасини аниқлашга йўналтирилган шахснинг психофизиологик хусусиятлари (танлаш) ёки аниқ бир касбга бўлган психофизиолигик меъёрий талаблар (саралаш) асосида шахсни ҳар томонлама ўрганиш тизимидир.

Касбий мослашиш — ишлаб чиқаришда касбий фаолиятнинг ижтимоий-психологик ва ташкилий-техник шароитларига шахсни мослаштиришга, уни мувоффақиятли равишда касбни эгаллаши учун шарт- шароитларни яратишга йўналтирилган чораларнинг мажмуавий тизимидир.

Профессиография (ахборот, ташхис, коррекцияловчи, шакллантирувчи) ва касбий ташхис (шахсни ўрганишнинг психологик, психофизиологик, тиббий ва бошқа усулларининг мажмуи) касбга йўналтиришнинг ахборот услубий кетма-кетлигининг асоси ҳисобланади.

IV. КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аҳолини касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— касб-ҳунарга йўналтиришнинг давлат тизимини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, услубий-ахборот, моддий-техник ва молиявий имкониятларини ривожлантириш, фаолиятнинг илмий-методик ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлигига эришиш;

— давлат ва ҳудудлар босқичида касб-ҳунарга йўналтириш тизими тузилмалари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш;

— касб-ҳунарга йўналтириш тизими фаолиятига комплекс ёндошиш, унинг ижтимоий-иқтисодий йўналганлигини кучайтириш;

— касбга йўналтириш хизматини амалга оширувчи давлат тизимини мустаҳкамлаш ва нодавлат ташкилотлар тизимини ташкил этиш;

— касбга йўналтириш соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш;

— ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган меъёрлар ва стандартлар мажмуасини ишлаб чиқиш, касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг шакл ва усулларини доимий янгилаб бориш;

— Концепцияни амалга ошириш учун зарурий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалдаги қонунчилик актларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш;

— касбга йўналтириш соҳасида тажрибалар алмашиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

— амалдаги таълим тизими бўлинмаларида, ёшларнинг ижтимоий хизмат, давлат бандлик хизмати, ишлаб чиқариш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ташкилотларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил қилиш, кенгайтириш ва такомиллаштиришда фаол иштирок этиш;

— касб-ҳунарга йўналтириш ишлари билан банд бўлган мутахассисларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишнинг амалий шаклларини жорий этиш.

V. КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ривожлантиришнинг асосий босқичлари қуйидагича:

Биринчи босқич (мактабгача таълим ёши) – мактабгача таълим ёшидаги болаларда (катта гурух) меҳнат билан банд бўладиган инсонларга, уларнинг машғулотларига, шунингдек, қўлларидан келадиган фаолият турлари бўйича дастлабки меҳнат кўникмаларини ижобий, хиссий-таъсирчан шакллантириш;

Иккинчи босқич (1-4 синфлар) — кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билишга оид ва ўйин кўринишидаги ижтимоий-фойдали меҳнат фаолиятини амалга татбиқ қилиш орқали, меҳнатга ҳурмат, унинг инсон ҳаётида ва жамиятда тутган ўрнини англашини, ота-оналарининг касбларига ҳамда оммавий касбларга бўлган қизиқишини ривожлантириш;

Учинчи босқич (5-7 синфлар) — ўсмирларда касбий йўналганлик бўйича касб танлаш ва жамиятдаги ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган қизиқиши, қобилияти, ижтимоий қадриятларнинг изланувчан-синчков кўринишларини шакллантириш;

Тўртинчи босқич (8-9 синфлар) — ўқувчиларда касбий ўзликни англашни шакллениш даври, яъни ўқувчиларни аниқ бир касбни танлашнинг шахсий маънога эгалигини тушуниб етиши, қадриятлар тўғрисидаги ўз тасаввурларини, фаолият соҳасини танлашнинг жамият мақсадлари билан қиёслай олишини шакллантириш даври;

Бешинчи босқич (академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи курс ўқувчилари) — ижтимоий-касбий мақомни аниқлаш, яъни аниқ бир меҳнат фаолияти соҳасидаги билим ва кўникмалар ҳақида ҳар тараффлама тасаввурларни шакллантириш, уларни ўзлаштиришга киришиш, ишлаб чиқариш меҳнат жамоасининг тартиб-қоида ва қадриятларига қўшилишни шакллантириш даври;

Олтинчи босқич (касб-ҳунар коллежларининг охирги курс ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари) — касбий фаолиятга киришиш. Бу касбий фаолиятга жиддий тайёргарлик ҳамда меҳнат жамоасидаги иш ва тажрибанинг шакллениш даври.

Еттинчи босқич (катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлган одамлар, ишсизлар) — шахсий имкониятлар ва олдинги касбий-ижтимоий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда бошқа касбий фаолиятга қайта йўналтириш.

VI. КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

Касб-ҳунарга йўналтириш тизимининг ташкилий тузилмаси аҳолининг барча қатламлари томонидан онгли равишда касб танлашларини таъминлашга қаратилади.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар, ўсмирлар ва ўқувчи ёшларни касбий ўзлигини англашга кўмаклашишга йўналтирилган асосий ишни таълим тизимининг ижтимоий-психологик хизмати амалга ошириши лозим.

Умумий ўрта таълим мактаблари, мактабларо ўқув ишлаб-чиқариш муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг штатларига касб танлаш бўйича маслаҳатчи лавозими киритилмоғи лозим.

Чақириққача бўлган ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари мудофаа бўлимлари, "Ватанпарвар" ташкилотлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Маълум бир касбий тажриба ва билимга эга бўлган ёшларнинг касбий шаклланиши ёшлар ташкилотларининг ижтимоий хизматлари ва тегишли жамғармалар томонидан қўллаб-қувватланилади.

Ёш авлодни, хусусан ўсмирларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг тиббий жиҳатлари туман, шаҳар тиббий муассасаларининг врачлари томонидан ҳал этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарув органларида мазкур соҳа ишлари учун масъул ходимлар белгиланмоғи зарур.

Иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари натижасида ишдан бўшаган ва аҳолининг банд бўлмаган қисмини касб-ҳунарга йўналтириш тегишли маслаҳат пунктлари (бюро) ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади.

Ҳар хил мулкчилик шаклидаги корхоналарда иш билан банд бўлган аҳолини касб-ҳунарга йўналтириш (ишлаб чиқаришда касбий ва ижтимоий мослашиш нуқтаи назаридан) мазкур корхоналарнинг ижтимоий ривожлантириш ва кадрлар хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Давлат касб-ҳунарга йўналтириш тизими билан бир қаторда фуқаролар ва корхоналарга касб-ҳунарга йўналтириш масалалари бўйича пуллик хизмат кўрсата оладиган, жумладан тижорат йўналишидаги бюро, агентликлар тузилиши мумкин.

Чекланган меҳнат қобилиятига эга бўлган шахсларни касб-ҳунарга йўналтириш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари зиммасига юклатилади. Тизимнинг барча бошқарув босқичларида мазкур вазирликлар шу иш учун масъул ходимлар ажратади.

Олий ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида турли патологияларга мансуб ногиронларни касбий тайёргарлик олишлари учун махсуслаштирилган бўлинмалар тармоғи яратилиши лозим.

Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини умумий илмий-методик таъминоти, тегишли тоифали ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик ва тиббий-физиологик муаммолари бўйича илмий текширишларни мувофиқлаштириш ишларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика Ташхис маркази амалга оширади.

VII. КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Мазкур Концепцияни амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, моддий-техник, ахборот ва молиявий шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш учун қуйидагилар зарур:

— касб-ҳунарга йўналтириш тизимини бозор иқтисодиётининг давлат механизмига узвий таркибий қисм сифатида киритиш;

— касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида юксак психологик шартларни талаб қиладиган мутахассисликни танлаган абитуриентлар учун касбий танлов ва бошқа барча мутахассисликларни танлаганлар учун касбий маслаҳатлар бериш тартибини жорий этиш.

7.1. Ташкилий-ҳуқуқий таъминот

ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш учун қуйидагилар зарур:

— Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Кодекси, "Аҳолининг бандлиги тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунларига лозим бўлган ҳолларда тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш;

— аҳолини касбга йўналтириш масалалари бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияси ва тавсияларини ратификация қилиш;

— "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш тўғрисида"ги, "Аҳолини касбга йўналтириш тўғрисида"ги, "Касбга йўналтириш ҳудудий Маркази тўғрисида"ги, "Чекланган меҳнат қобилиятига эга бўлган шахсларни касбга йўналтириш тўғрисида"ги Низомларни ишлаб чиқиш;

— мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида, мактабларда касб-ҳунарга йўналтириш Марказларида касбий маслаҳатчиларнинг фаолият доираларини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

— ёшлар учун ижтимоий хизмат ва таълим тизимидаги ижтимоий-психологик хизмат тўғрисидаги Низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

7.2. Кадрлар билан таъминлаш

Республиканинг касб-ҳунарга йўналтириш ташкилотларининг кадрлар бўйича таркиби докторлик ва номзодлик илмий даражасига эга бўлган олимлар ёки таълим соҳасида маълум амалий иш тажрибасига эга бўлган, таълим муассасаларида камида беш йил ишлаган педагог ва инженер -педагоглардан шаклланади.

Уларни тегишли кадрлар билан таъминлаш психологлар, касбий маслаҳатчилар, психофизиологлар, социологлар ва бошқаларни тайёрлашни кўпайтириш ҳисобига шакллантирилади.

7.3. Илмий методик ва ахборот таъминоти

Ўзбекистон Республикасида касбга йўналтириш бўйича илмий, амалий, услубий ва назарий ишланмаларни тайёрлаш, уларни синовдан ўтказиш ва касбга йўналтириш тизимига татбиқ этиш масалалари Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика Ташхис маркази томонидан унинг илмий Кенгаши ва нашриёт бўлими орқали ҳал этилади.

— Ишончли ахборот-услубий ва дастурий таъминотни яратиш (касбий таълим, ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар тўғрисида умумий характерга эга бўлган ахборот-қўлланма материаллар банки, меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари шунингдек, касбий характердаги ахборот-қўлланма материаллар банки-қўлланмалар, каталоглар, картотекалар, профкарталар, профессиограммалар, психограммалар; касбларнинг ривожлантириш истиқболи тўғрисидаги маълумотлар; аҳолининг турли қатламлари билан касбга йўналтиришни ўтказиш технологияси бўйича методик тавсиялар, шунингдек, индивидуал касбий маслаҳат ва касбий танлов; индивидуал тест ўтказиш, касбий ташхиснинг компьютер вариантини ҳисобга олган ҳолда шахсни психологик ташхис қилиш методикалари мажмуаси).

7.4. Молиялаштириш ва моддий-техник таъминот

Концепция давлат, маҳаллий бюджет, бюджетдан ташқари, аҳоли бандлигига ёрдам бериш Давлат жамғармаси, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш жамғармаси (чекланган меҳнат қобилиятига эга бўлган шахсларни касбга йўналтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун), бошқа давлат, ёшлар ва жамоат жамғармалари, корхоналар ва фуқароларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар:

— маслаҳат ва услубий ёрдамлар ўтказиш бўйича шартномавий маблағлар, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишдаги фаолиятдан тушган маблағлар.

— Ўрнатилган тартибда ажратиладиган ва тўланадиган банк кредитлари ташкилотлардан, муассасалардан, хусусий шахслардан, чет эл инвесторларидан, ҳокимликларнинг ҳомийлик ёрдамларидан тушган маблағлар.

Маблағлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги амал қилаётган қонунлар, молия вазирлигининг тегишли меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Касбга йўналтириш ишларининг моддий-техника таъминоти учун биринчи навбатда қуйидагилар зарур:

— касбга йўналтириш Марказлари ва бошқа касбга йўналтириш тузилмалари учун амалдаги меъёрлар асосида тегишли иш жойларини ажратиш;

— уларни электрон ҳисоблаш, аудио, видео ва нусха кўпайтирувчи техника, жиҳозлар ва асбоб-ускуналар, алоқа воситалари, транспорт, фаолиятнинг тегишли йўналишига мос бўлган полиграфик база билан жиҳозлаш.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

"Биз иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозондик, биз ваво, ўлат каби касалликларни енгдик. Афсуски, инсонлар ўртасидаги адоват ва терроризмни йўқота олмадик..." дея ёзиб қолдирган эди Британия бош вазири Уильям Черчилл ўз эсдаликларида.

Бу кун америкаликлар мотам куни муносабати билан марҳумларни ёд этиш билан бирга, келажакка дадил қараш лозимлигини намоён этадилар. Ҳа, мағрур халқ ўзининг дадил эканлигини, ҳар қандай ҳавфга қарши курашишда, юрт осойишталиги, турмуш фаровонлиги учун керак бўлса жондан кечишга тайёрликларини исботлайдилар.

УИЛЬЯМ ЧЕРЧИЛЛНИНГ ЭСДАЛИКЛАРИ ЁКИ РАДЖИВ ГАНДИНИНГ ИШОНЧИ

Инсон дунёга келар экан, фақат яхшилик қилишга, эзгу ва хайрли амалларни бажаришга ҳаракат қилади. Бинобарин, Ҳадису шарифда ҳам яхшилик қилиш ҳақида гап боради. Зеро, бу дунёда эзгу



амал бажарганлар, охиратда роҳатфароғатда яшайдилар. Афсуски, бир хил тоифа кишилар борки, улар кимларнингдир жабру-жафо чекишлари эвазига ҳузур кўрадилар, шундан роҳатланадилар ва шунинг ҳисобига яшайдилар.

Бутун инсоният одатдагидан ташқари зўр ҳаяжон билан кутиб олган янги мингйилликнинг иккинчи йили ҳам ўтиб бормоқда. Таассуфки, ХХ асрда иккита жаҳон уруши каби суронли йилларни бошидан кечирган инсоният янги асрда ҳам айрим давлатлардаги ички низолар, халқаро жиноятчилик ва табиий офатлардан қутила олмаяпти. Жаҳон ҳамжамиятига назар соладиган бўлсак, ўтган асрдан мерос қолган Яқин Шарқ можароси, Чеченистон, Афғон, Кашмир воқеалари ёнига бугун Ироқ муаммоси келиб қўшилдики, юқоридаги низолар каби қанчалар асорат қолдиришини ҳали у кўрсатиб улгурганича йўқ. Ёки бўлмаса, айни вақтда Европа ва Осиёнинг сув тошқинларидан жабр кўраётганлиги кишини беҳад ташвишга солади.

Лекин, бугун биз фикр юритмоқчи бўлган бошқа бир жиддий хавф борки, ҳозирга келиб у кунда бир марта эсада, курраи заминимизнинг қайсидир бурчида ўз соясини кўрсатаяпти. Энди **"Терроризм"** *деган сўз ҳеч кимга янгилик бўлмай қолди. Бу жаҳолат ботқоғининг марказида турган Усама бин Лоден каби манфурларнинг, "Ал-Қоида", "Хизбуллоҳ", "ХАМАС" сингари экстремистик гуруҳларнинг номлари тез-тез қулоққа чалинаяпти. Бот-бот улар уюштираётган хунрезликларни эшитиб қолаяпмиз. Нега???*

"Биз иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозондик, биз вабо, ўлат каби касалликларни енгдик. Афсуски, инсонлар ўртасидаги адоват ва терроризмни йўқота олмадик..." дея ёзиб қолдирган эди Британиянинг собиқ бош вазири Уильям Черчилл ўз эсдаликларида. Аслида терроризмнинг мақсади — аҳоли ҳавфсизлигига қарши жиноятлар, портлатишлар қилиш, одамларни ваҳима-саросимага солиш ҳамда давлат олиб бораётган сиёсатни издан чиқаришдан иборат.

Сир эмас, бундан уч йил аввал бизнинг халқимиз ҳам мана шу "офат"дан озор чекди. 1999 йил 16 февраль куни пойтахтимизда юз берган даҳшатли портлашлар туфайли муштипар оналар фарзандидан, мунис аёллар садоқатли ёрларидан, беғубор қалбли болажонлар эса оталаридан айрилдилар. Президентимиз И.Каримов ўзининг "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз" номли асарида таъкидлганларидек, "Шикастланган бинолар тикланди. Лекин, ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, яқин биродарларининг кўнгил кемтиклари битганича йўқ". 2002 йил Боткен, Сариосиё ва Узун туманларида юз берган воқеалар хусусида фикр билдириб, Йўлбошчимиз террорчиларни чаёнга қиёсладилар. Бинобарин, чаённинг бирдан-бир вазифаси чақишдан, заҳарлашдан иборат. Шундай экан, муаммонинг ягона ечими уни янчиб ташлашдир.

Чунки, террорчида раҳм йўқ, унинг қалби меҳр уруғларидан бенасиб. Ёдга оладиган бўлсак, Ҳиндистон тарихида муҳим из қолдирган, ҳинд халқининг равнақи учун жонидан кечган Гандилар сулоласи ҳам бу балодан кўп озор чекканлиги ҳеч кимга сир эмас. Махатма ва Индира Гандиларга уюштирилган суиқасдлар оқибатида Ҳиндистон бош вазири Раджив Ганди митингларда шаффоф титан парда орқасида туриб омма билан

гаплашишга мажбур бўлган эди. Афсуски, сайловлардан олдин: "Халқим мени севади, ўз халқимдан яширинаманми", — дея очиқ сўзга чиқади. Аммо, нутқини тугатгач, гўзал бир аёлнинг қўлидаги гулдастани олаётиб, унинг қатига яширилган бомбанинг портлаши оқибатида ҳаётдан кўз юмади. АҚШнинг марҳум президенти Жон Кеннеди ёки Конго демократик республикаси президенти Лоран-Дезире-Кабилаларнинг ҳам террор қурбони бўлганликларини бутун дунё афсус билан хотирлайди. Ўтган ҳафта эса Афғонистон президенти Хамид Карзай ўз укасиникига тўйга бориб, туғилиб ўсган юрти Қандаҳорда террор ўлжасига айланишига бир баҳя қолди. Минглаб қандаҳорликлар олқишида машинасига ўтираётган Карзай ўзи томон меҳр билан яқинлашган болакайга кулимсираганича қўлини кўтариб, силкитиб қўйди. Орадан лаҳзалар ўтмай ҳарбийча кийим кийган бир одам президент машинасига яқинлашиб келди ва машинага қарата тўрт карра ўқ узди. Ўқларнинг иккитаси Карзайдан бир қаричча хато кетди холос, лекин машина олди ўриндиғидаги хос кўрикчи ҳамда президент ёнида ўтирган Қандаҳор ҳокими Гул Оға Шерзой ярадор бўлди. Шу пайт мамлакат раҳбарининг ҳавфсизлигини таъминлаётган АҚШнинг махсус тайёргарликдан ўтган қўриқчилари зудлик блан машиналаридан сакраб тушдилар ва террорчини ўлдиришга муваффақ бўлдилар.

Зеро, бу террорнинг куни кеча кўрсатган қайсидир маъноданги кичик бир кўриниши холос. Аммо, унинг оқибатида бирданига минглаб, ўн минглаб кишилар ҳам ҳалок бўлишлари ҳеч гап эмас.

МИЛЛАТ ФОЖЕАСИ

Роппа-роса бир йил олдин, айнан шу куни бутун инсоният террор нақадар даҳшатли эканлигининг гувоҳи бўлди. Бу кунни америкаликлар ачиниб, кўнгиллари эзилган ҳолда эслайдилар. Чунки, 11 сентябрь санаси Америка тарихига **Энг мудҳиш сана** *деб киритилди.*

2001 йил 11 сентябрь. Бутун Нью-Йорк шаҳри бўйлаб одатдаги янги кун бошланди. Эрталаб барча кишилар ўз хизмат жойларига шошилишган пайт. Ҳатто ишбилармон саналган бу халқнинг аксарияти ўз иш жойларига келиб бўлишган. Боиси, улар вақтдан максимал даражада унумли фойдаланишга ҳаракат қиладиган халқдир. Бинобарин, америкаликларда "мен" тушунчаси юқори даражада шаклланганки, улар ҳамиша ўз "мен"лари учун кураш олиб борадилар. Зеро, битта, ўнта, юзта, миллионта "мен"нинг замирида улар яшаётган жамиятнинг том маънодаги "мен"и, равнақи, нурли истиқболи ётади. Соат миллари 9 га қараб яқинлашмоқда. Ҳеч ким маълум бир дақиқалардан сўнг Нью-Йоркнинг рамзи бўлган, дунёдаги энг баланд эгизак бинолардан иборат Бутунжаҳон савдо марказининг кули кўкка соврилишини, сўнгроқ эса унинг ўрнида вайрона ҳолатидаги кўриниш ҳосил бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаган.

Соат 08:45 — Нью-Йорк. *"American Airlines" авиакомпаниясига қарашли маҳаллий 11-рейс билан Бостон - Лос-Анжелос йўналиши бўйича парвоз қилган "Боинг-767" русумли самолёти 110 қаватли Бутунжаҳон савдо маркази шимолий биносининг 90-қаватига келиб урилади. Айни бу вақтда самолёт бортида 81 йўловчи ҳамда 11 кишилик экипаж гуруҳи бор эди.*

Соат 09:03 — Нью-Йорк. *Орадан 18 минут ўтиб ҳали одамлар нима воқеа юз бераётганлигига тушуниб етмаган бир пайтда, яна шу авиакомпанияга қарашли 175-маҳаллий рейс билан Бостон - Лос-Анжелос йўналиши бўйича ҳаракат қилган иккинчи бир самолёт 65 йўловчиси билан савдо марказининг жанубий биносига келиб урилади. Соат 09:50 ларга келиб мазкур жанубий бино қулаган бўлса, 10:29 дақиқа ўтганида шимолий бино ҳам ер билан битта бўлган эди.*

Соат 09:40 — Вашингтон. *Нью-Йорк террор актларидан бир оз фурсат ўтиб, Вашингтондаги Пентагон ташкилоти биносига 77-рейсда Вашингтондан Лос-Анжелос томон учган "American Airlines"нинг "Боинг-757" аэробуси келиб урилади. Бу вақтда самолёт бортида 58 йўловчи, 4 нафар борт кузатувчилари ҳамда 2 учувчи бор эди.*

Соат 10:30 — Питтсбург. *Пенсилвания штатининг Питтсбург шаҳридан 128 км. жанубий-шарқда "United Airlines" компаниясининг "Боинг-757" лайнери ерга қулаб тушади. Нью-Жерсидан Сан-Франциского қараб учган ушбу самолётда 38 йўловчи ва 7 кишилик экипаж гуруҳи бўлганди.*

Афсуски, мана шу тўрт самолёт ичида жами 260 йўловчи бўлган эса, Бутунжаҳон савдо марказининг ҳар бир биносига кунига 10 минг нафардан хизматчи ва 5 минг атрофида ташриф буюрувчилар келардилар. Шунингдек, юқоридан чиройли кўринадиган Манхеттен ва Нью-Йорк шаҳарларини томоша қилиш учун эгизак бинолар тепасига ҳар куни минглаб сайёҳлар чиқишар эди.

Ушбу даҳшатли воқеаларни кўрганларнинг айтишларича, самолётларнинг келиб урилишлари оқибатида юз берган ёнғиндан қочиш учун одамлар осмонўпар биноларнинг дерезаларидан сакрашга-да мажбур бўлгандилар. Афсуски, икки бинонинг кетма-кет қулаши натижасида эса шу атрофдаги кичик бинолардагилар ҳамда савдо марказининг пастки қаватларида карахт ҳолатга тушиб, нима қилишини билмай турган кишиларнинг барчаси ҳам ҳалок бўлдилар.

Сўнгроқ дарҳол вазиятни тўғри баҳолаш мақсадида Оқ уйда Қўшма Штатлар миллий хавфсизлик Кенгашининг шошилинч йиғилиши ўтказилди ва мамлакат ичидаги ҳамда ташқаридаги барча қўшинлар жанговар ҳолатга келтирилди. Ҳатто Ҳарбий денгиз флотига қарашли "Жорж Вашингтон" ва "Жон Кеннеди" номли авианосецларнинг (самолётлар учиб-қўниш имконига эга бўлган кемалар) бири Нью-Йорк, иккинчиси Вашингтон шаҳарлари ёнига келтирилиб қўйилди. Зеро бундан мақсад ракета ҳужумидан мудофаа тизими орқали ҳавфсизликни таъминлаш эди. Шундан сўнг, дарҳол хорижий давлатлардаги элчихоналар, дипломатик корпуслар ва бошқа расмий ваколатхоналарда ҳам эҳтимолли террорга қарши жавоб чоралари кўрилиши учун юқори даражада тайёргарлик ҳолати жорий этилди. Қўшма Штатлар осмонида эса қирувчи самолётларнинг патрул хизмати йўлга қўйилиб, четдан мамлакатга кириб келаётган самолётлар Канада аэропортларига қўндирила бошланди.

Воқеадан сўнг, шу куни Америка халқи олдида ўзининг телемурожаати билан чиқиш қилар экан, президент Буш воқеани "миллат фожеаси" дея атади. "Бундай оммавий қотиллик одамларни ваҳимага, саросимага солишга қаратилган эса-да, лекин жиноятчилар ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Сабаби, бизнинг давлатимиз қудратлидир. Гарчи, террорчилар бизнинг энг катта биноларимизни қулатишди, бироқ, Америка асосига, унинг негизига зарба бера олмайдилар", дея айтган эди президент.

тандошлари орасида қон топшириш кампаниясини эълон қилиб, биринчи галда ҳатто ўзи қон берган эди.

Американинг ён қўшнилари ҳисобланган Европа мамлакатлари Франция, Англия, Германия, Италия, Испания каби давлатларнинг барча-барчаси ўз кўмакларини беришга шай бўлдилар. 14 сентябрь куни эса Европа Кенгаши таркибига кирувчи 43 та давлатнинг 800 млн. фуқароси соат 11:00 да марҳумлар муносабати билан 3 дақиқалик сукут сақладилар. Қўшма Штаталарга ҳайрихоҳ тарзда Европа Иттифоқига аъзо бўлган 15 мамлакатда 14 сентябрь худди Америкадагидек мотам куни дея эълон қилинди. Шу куни мазкур 15 давлат раҳбарлари АҚШни қўллаб-қувватлаш борасида бир-

ДУНЁ ҲАМ ЖИДДИЙ ҚАЙҒУРДИ

11 сентябр воқеалари жаҳон мамлакатларини ҳам шошилтириб қўйди. Барча давлатлар ўз чора-тадбирларини кўра бошладилар. Жумладан, Ўзбекистон президенти И. Каримов Жорж Бушга мактуб йўллаб, ҳалок бўлганлар учун ҳамдардлик изҳор этди ва терроризмга қарши курашда халқаро ҳамжамият бирлашиши лозимлигини билдирди. Россия президенти Владимир Путин Жорж Бушга йўллаган мактубида террактларни ваҳшиёна эканлигини баҳолаб, жиноятчилар албатта жазоланишлари кераклигини айтди. Айнан шу куни Россиянинг ички қўшинлари зудлик билан жанговор ҳолатга келтирилиб, энг муҳим объектлар ҳавфсизлиги кучайтирилди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан эса Женевадаги чиқишида терроризмга қарши «жиддий қайғурмоқ кераклигини айтди. Рим папаси Иоан Павел II эса ўз мактубида бегуноҳ қурбон бўлганларнинг уволи ҳақида гапирди. Ўз навбатида Хитой раҳбари Цзян Цземинь ҳам Бушга ҳамдардлик мактуби йўллади ва ёрдам беришга тайёрлигини билдирди. Бинобарин, бу пайтга келиб Пекин ҳамда Банкокдаги АҚШ элчихоналари махсус кўриқланаётган, Японияннинг Окинава оролидаги Қўшма Штатлар ҳарбий базаларида ҳавфсизлик юқори даражада таъминланган эди. Фаластин раҳбари Ёсир Арофат эса жабрланганлар учун ўз ва-галикда баёнотнома қабул қилдилар.

Дунё ҳамжамиятидаги ҳавфсизлик ва барқарорликка ўзининг чексиз ҳиссасини қўшаётган НАТО тарихда илк бор ўз Низомида қабул қилинган 5-моддани амалиётга жорий этдики, унга мувофиқ ташкилотга аъзо давлатларнинг биттасига қилинган ҳужум Альянснинг барча мамалакатларига қаратилган хавф дея ҳисобланади. Ва унга қарши кескин чоралар кўрилади. Шунгача эса НАТО на Корея, на Франция урушида, ёки Суэ низосида ёки бўлмаса, Франция ва Британиянинг Мисрга қарши бирга ўтказган ҳарбий ҳаракатларида, Фолкленд ё Ироқ операцияларида қатнашган эди.

Айни бу вақтда АҚШ сенати Конгресснинг икки палатаси томонидан қўллаб-қувватланаётган резолюцияни маъқуллади. Бинобарин, унга кўра, Қўшма Штатлар халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ бундай террорга муносиб жавоб бериш имконига эга бўлди. Шундан сўнг барча ишлар тезлашиб кетди. Давлат структурасидаги Федерал Тергов Бюроси (ФТБ), Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) каби ташкилотлар нафақат террорни уюштирган, балки унинг фаолият юритишига имкон берган давлатларга қарши кенг қамровли кураш бошладилар. Террактларда гумон этилиб юзлаб кишилар ҳибсга олиндилар. Тўғри, Қўшма Штатлар 11 сентябрь воқеаларига қадар ҳам халқаро терроризмни йўқотиш борасида ҳаракат олиб борган бўлиб, Ливан, Судан, Сурия давлатларидаги террор марказларини олисдан туриб ракета орқали бомбардимон ҳам қилган эди. Лекин, Америка 11 сентябрдан сўнг нафақат бу масалага жиддий киришди, балки, дунё ҳамжамиятини ўз ёнига бирлаштира олди. Бу вақтда Афғонистонда ҳукмронлик қилаётган "Толибон" ҳаракати 1998 йил АҚШнинг Кения ва Танзания давлатларидаги элчихоналарини портлатишларда айбланаётган саудиялик миллиардер Усама бин Лоден ҳамда унинг "Ал-Қоида" ташкилотини Афғонистонда фаолият кўрсатишига имкон яратиб берганди. Нью-Йорк ва Вашингтондаги портлашлардан сўнг, "Толибон" ҳаракати мазкур жиноятда на ўзининг, на бин Лоденнинг қўли борлигини айтган эсада, лекин ўта юқори даражада тайёргарлик кўрилгани, террорчиларни самолёт бошқаришга-ча ўргатилгани, режанинг ўта махфий ишлаб чиқилгани боис, АҚШнинг ҳеч бир махсус хизмати бу борада маълумот қўлга кирита олмаганлигидан ҳам, бу террор актини терроризм ботқоғи марказидагилардан бўлак ҳеч ким уддалай олмаслиги барчага аён эди.

"АЛ-ҚОИДА" ИЗИДАН

11 сентябрдан *сўнг Қўшма Штатлар терроризмнинг яшашига ўз уйидан жой берган "Толибон" ҳаракати масаласини кўриб чиқишга жиддий киришди. Бин Лоден ва унинг "Ал-Қоида" ташкилотини халқаро ҳамжамият ихтиёрига бериш борасида "Толибон" билан олиб борилган музокаралар кутилган натижани бермагач, ҳаракатлар жадаллаштирилди. Вашингтон бин Лоденнинг қўлга олинишида ёрдам берган кишига 25 миллион доллар берилишини ваъда қилди.*

1 октябрь. *АҚШ махсус хизматлари "Ал-Қоида" ташкилоти билан 11 сентябрдаги самолётларни ўғирлашда иштирок этган 19 киши ўртасида молиявий алоқа борлигини маълум қилди. Маблағлар самолётларни эгаллаб олиш операциясига бошчилик қилган Муҳаммад Аттонинг Флорида банкидаги ҳисоб рақамига Бирлашган Араб Амирликларидан келиб тушган экан.*

5 октябрь. *63 ёшли Роберт Стивенс "Сибир куйдиргиси"нинг биринчи қурбони бўлди. Кейинроқ эса, почта орқали мактубларда юборилаётган "Сибир куйдиргиси" яна 5 кишининг умрига зомин бўлди.*

7 октябрь. *АҚШ ҳамда Буюк Британия ҳаво кучлари Афғонистондаги "Толибон" ҳаракатини ҳукумат тепасидан ағдариб ташлаш ва "Ал-Қоида" инфратузилмаларини тугатиш мақсадида "афғон операцияси"ни бошлашди.*

10 октябрь. *Президент Буш қидирувга берилган 22 кишилик рўйхатни эълон қилди. Рўйхат бошидан эса Усама бин Лоден ўрин олган эди.*

11 октябрь. *Мисрда "Ал-Қоида"га алоқадор ҳисобланиб икки киши ҳибсга олинди. Қўшма Штатлар эса терорчиларни қўллаб-қувватлашда айблаб, яна 37 кишининг ҳисоб рақамлари "муз"латиб қўйилганлигини билдирди.*

19 октябрь. *Британия ҳукумати Лондонда яшовчи Абу Катаданинг ҳисоб рақамини ёпиб қўйди. Бин Лоденнинг Европадаги махсус вакили бўлган Катада декабрь ойига келиб изсиз йўқолди.*

21 октябрь. *МРБ "Ал-Қоида"ни тугатиш учун ҳар қандай усулни қўллаш ҳуқуқига эга бўлди. Унга кўра, сиёсий қотилликларга ҳам рухсат берилди. Айнан шу нарсани 25 йил аввал президент Жеральд Форд Америка ҳукумати хизматида бўлган кишилар учун таъқиқлаб қўйганди.*

13 ноябрь. *Афғонистондаги Шимолий Иттифоқ қўшинлари, АҚШ ва унинг иттифоқчилари мамлакатдаги назоратни ўз қўлларига олдилар. "Толибон" ҳаракати ҳукумат тепасидан олиб ташланди.*

27 ноябрь. *11 сентябрь воқеаларига алоқадор сифатида қўлга олинганлар сони 600 нафарга етди.*

12 декабрь. *Франция фуқароси 33 ёшли Закариас Муссауи 11 сентябрь воқеаларининг биринчи расмий айбдори сифатида маълум бўлди. Суд жараёнида у ўзининг "Ал-Қоида" ташкилоти аъзоси эканлигини ва террактларга тайёргарликда қатнашганлигини тан олди.*

14 декабрь. *Қўшма Штатлар ҳукумати террактларнинг бошида Усама бин Лоден турганлигини тасдиқловчи видеоёзувни эълон қилди.*

27 декабрь. *Қатарнинг "Ал-Жазира" телеканали Усама бин Лоденнинг 11 сентябрь воқеаларини тилга олган 5 дақиқалик чиқишини намойиш этди. "Араб CNN"и номини олган «Ал-Жазира" телеканали 1996 йил ташкил топган бўлиб, нафақат араб дунёсида, балки хорижда (Европа ва АҚШ) ҳам ўзининг тезкор ва энг янги хабарлари билан эътиборга тушган. Бугунги кунда 35 миллион кишилик аудиторияга эга бу канал 11 сентябрь воқеаларидан сўнг жаҳонга янада кенгроқ танилди. Усама бин Лоден ва "Толибон" ҳаракатининг барча интервьюлари айнан "Ал-Жазира" орқали дунёга намойиш этилиб келинмоқда.*

4 январь. *Пентагон ташкилоти Покистон ҳукумати "Ал-Қоида" аъзоларининг жанговар тайёргарлигига жавоб берувчи юқори мартабали шахсни АҚШ ихтиёрига берганлигини маълум қилди. Ундан аввалроқ эса Исломободдаги "Толибон" элчиси мулла Абдул Салом Заиф ҳам америкаликларга топширилганди.*

23 январь. *Ҳибсга олинган "Ал-Қоида" ва "Толибон" жангариларининг биринчи гуруҳи Афғонистондан АҚШнинг Кубадаги Гуантанамо ҳарбий базасига олиб келинди.*

22 февраль. *АҚШ ҳукумати "Уолл-стрит журнэл" газетасининг муҳбири Даниел Перла Покистонда ўғирлаб кетилиб, сўнгра ўлдирилганлигини расман тасдиқлади.*

11 март. *Саудия Арабистони Қўшма Штатлар томонидан "Ал-Қоида"га ёрдам беришда айбланаётган йирик ислом инсонпарварлик ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйди.*

28 март. *Покистонда "Ал-Қоида" ташкилотининг 3-рақамли етакчиси ҳисобланган Абу Зубайда ҳибсга олинди. Бу америкаликларнинг шу вақтгача қўлга киритган энг катта ютуғи дея эътироф этилди.*

22 апрель. *«Ал-Жазира" телеканали 11 сентябрдаги самолётларни ўғирлашда иштирок этган террорчининг ўлими олдидан ёзиб қолдирган мактубини эълон қилди.*

29 май. *Федерал Тергов Бюроси террорчи ташкилотларга қарши қўшимча 500 агентини жалб этди. Ва бу операциялардаги хизматчилар сони қарийб 3000 нафарга етди.*

18 июнь. *Саудия Арабистонидаги АҚШ ҳарбий базасидан кўтарилаётган самолётни портлатмоқчи бўлган "Ал-Қоида"нинг 13 аъзоси қўлга олинди.*

12 июль. *Италия полицияси Миланда "Ал-Қоида" фаолиятига алоқадорликда айблаб 9 кишини ҳибсга олди.*

11 август. *Расмий Теҳрон Афғонистондан Эронга қочиб ўтган 15 нафардан ошиқроқ "Ал-Қоида" аъзосини Саудия Арабистони ихтиёрига берди. Ўз навбатида "Ар-Риёд эса жангарилар АҚШ ҳукуматига топширилишини айтди.*

29 август. *Германияда 29 ёшли Марокаш фуқароси Мунир ал-Мутасодиққа нисбатан 11 сентябрь воқеаларига алоқадорликдаги расмий айблов эълон қилинди. У Муссауидан кейинги иккинчи расмий жиноятчи ҳисобланди. Германиянинг фикрича, Гамбург шаҳридаги "Ал-Қоида" маркази АҚШ фожеасида етакчи роль ўйнаган.*

9 сентябрь. *"Ал-Жазира" телеканали "Ал-Қоида"га алоқадор навбатдаги видео тасмани намойиш этди. Унда Усама бин Лоденнинг сурати кўрсатилмаган эсада, лекин овоз уникига ўхшаш бўлиб, 11 сентябр воқеаларини амалга оширишдан мақсад тарихда бурилиш ясаш, Американинг Араб дунёсидан ўз иштирокини тортиб олиши учун қилинган ишдир мазмунидаги гап боради. Репортажнинг иккинчи қисми эса бин Лоденнинг ёрдамчилари бўлмиш Рамзи бин Ал-Шайбах ва Холид Ал-Шайх Муҳаммадларнинг 11 сентябрдаги террор актини қандай амалга оширганликлари ҳақида берган интервьюларидан иборат бўлиб, бу қисм айнан бугун эфирга узатилади. Зеро, мазкур шахслар Федерал Тергов Бюросининг энг ҳавфли жиноячилар рўйхатида турадилар.*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ АМЕРИКА ХАЛҚИ БИЛАН БИРГА

Маълум бўлишича, 11 сентябрь воқеалари туфайли 2819 киши ҳалок бўлиб, келтирилган зарар 95 млрд. долларни ташкил этди. Тўғри, моддий зарарларни қоплаш мумкин, аммо, одамларга етказилган маънавий зарарларни тўлдириш маҳолдир. Гарчи, ҳукумат жабрдийдаларга давлат ғазнасидан ёрдам берилишини айтган бўлса-да.

Бугун 11 сентябрь воқеаларига бир йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган хотира маросимида қатнашиш учун Қўшма Штатларга кўплаб хорижий давлатлар раҳбарлари келишган. Бу кунни тонг саҳарда черковга бориб сиғиниш билан бошлайдиган Президент сўнгра Пенсилваниядаги қароргоҳида марҳумлар учун бир дақиқалик сукут сақлайди. Пентагон ташкилотида хотира маросими ўтказилади. Кечқурун эса Жорж Буш ва унинг ҳамроҳлари бўлмиш хорижий давлат раҳбарлари Бутунжаҳон савдо маркази бинолари вайронага айланган жойга борадилар. Айнан шу ерда Буш Америка халқи олдида ўз телемурожаати билан чиқади. Икки эгиз бино ўрнида мангу олов ёқилади. Зеро, бу олов бегуноҳ қурбонларнинг хотираси, бутун америкаликларнинг мустаҳкам иродаси сифатида намоён бўлади. Сўнгра, бу ерга вафот этганларнинг оила аъзолари ташриф буюрадилар. Шунингдек, маросимда ҳалок бўлган 2819 кишининг ва бедарак йўқолган 90 кишининг исм-фамилиялари биринчи бор ўқиб эшиттирилади. Хотира маросими роппа-роса 102 дақиқа давом этади. Сабаби, ўшанда биринчи самолёт келиб урилганидан бошлаб, биноларнинг иккинчиси ҳам қулагунига қадар бўлган вақт 102 дақиқани ташкил этган эди. Бу вақт мобайнида Нью-Йоркдаги барча черковларда мотам қўнғироқлари чалинади. 2002 йил 11 сентябрь Америка халқи учун одатдаги иш куни бўлиб қолади. Бу кун америкаликлар мотам куни муносабати билан марҳумларни ёд этиш билан бирга, келажакка дадил қараш лозимлигини намоён этадилар. Ҳа, мағрур халқ ўзининг дадил эканлигини, ҳар қандай ҳавфга қарши курашишда, юрт осойишталиги, турмуш фаровонлиги учун керак бўлса жондан кечишга тайёрликларини исботлайдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ҳам ушбу маросимда қатнашиш учун Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберггдан келган таклиф мактубига жавоб йўллар экан, гарчи тарихга "қора кун" сифатида кирган бу мудҳиш санага қарамасдан, америкаликлар ўзларининг нақадар матонатли эканликларини исботлашганлигини алоҳида таъкидлади ва Ўзбекистон халқи ҳамиша Америка халқи билан бирга эканлигини маълум қилди. Шу ўринда, халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши курашувида Ўзбекистон Республикасининг қўшган ҳиссасига қисқача тўхталадиган бўлсак, ён қўшнимиз Афғонистонда вужудга келган террор марказларини йўқотишда мамлакатимизнинг улуши чексиз бўлди. Чунки, айнан шу давлатдан паноҳ топган террорчилар нафақат бизга, балки дунёга ҳам хавф солаётган эди. Энди ён қўшнимиздаги хатар йўқолди. Энди террор маркази сифатида танилган Афғонистонда барқарорлик ўрнатилди. Оддий афғон халқи эса катта бир хатардан халос бўлди. Бинобарин, бу Марказий Осиё давлатлари учун ҳам анчайин қувонарлидирки, ушбу муаммони ечишда Ўзбекистон фаол иштирок этди, дея баралла айта оламиз.

Ўйлаймизки, нафақат террордан жабр кўрган давлатлар, балки бошқа мамлакатлар ҳам унга қарши фаол курашсалар, халқаро ҳамжамият **Террор** *деб аталмиш балодан қутулиши, шубҳасиз. Энг муҳими, барча ҳушёр ва бирлашиб ҳаракат қилмоғи керак. Зеро, донишмандларимиз томонидан "Бирлашган ўзар..." дея айтилган ҳикматомуз гапнинг бежизга яралмаганлигини барча бирдек тушуниб етса, Инсоният террор устидан, албатта, ғалаба қозонади. Бу, шубҳасиздир!*

Камолиддин АЛИОХУНОВ

Молдавиянинг Бельц шаҳарчаси эса кўплаб ёлғиз эркаклар яшаши билан донг таратган. Ишонинг-ишонманг, ҳар юз нафар шаҳарлик эркакдан қирқ нафари бўйдоқ!

8 март эди. Онамни табриклаш учун қишлоққа бордим.

КУНҒИРОК ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Талабалик вақтим эди. Таътилда қишлоқда эдим. Тоғам лотереяга ютган "Жигули"ни олиб келдилар. "Муборак бўлсин"га бордим. Тоғамнинг қувончининг чеки йўқ. Дарвозаларининг олдида сутдек оппоқ машина. Қўлларида дока, машина ойналарини артиб турибдилар.

— "Жигули" зўр машина экан, жиян, — дедилар эшикни очиб ва рулга ўтириб калитни бурадилар. — Яримтага ёнади. Моторни қара, соатдай ишлайди. Боссанг, саксон-юз писанд эмас. Овози чиқмайди-я. Енгил юришини айтмайсанми.

Тоғам ўзлари билганларича "Жигули"ни таърифладилар.

Шу пайт Райим носфуруш кириб келди. У Бойқўнғир космодромида мажбурий ҳарбий хизматда бўлган, армиядан қайтгач ҳуда-беҳуда нуқул ракеталар қўриқланиши, учиб-қўниши билан боғлиқ воқеалардан гапиравергач, носфурушга қўшиб "Космос" лақабини ҳам орттириб олганди. Унинг бироз мижғовлиги, ўзини ўта соддаликка олиб, бошқаларни лақиллатиб ўтиришни хуш кўрадиган одати ҳам бор эди.

—Қани Райимжон, келинг, — дедилар Тоғам мулозамат кўрсатиб. Аввал Тоғам, кейин мен унга қўл бериб саломлашдик.

—Облоқулда талқон бор экан. Сотармикин, деб келаётувдим, — у Тоғамнинг бир ҳовли наридаги қўшниларини от тутиб гапираётганди. — Қарасам, машинага уннаяпсиз. Бузилибдими, дебман.

—Нимаси бузилади, — эътироз билдирдилар Тоғам докани ўтирғичнинг четига қўяётиб. — Ҳали яп-янги бўлса.

— Лотереяга чиққан машинанинг кўп жойларини алмаштиради, дейдилар, — носфуруш ҳам бўш келмади.

— Баъзи бир фиску фасодчилар айтса айтгандир, — дедилар Тоғам хиёл жаҳл билан. — Қолаверса, Райимбек, 30 тийинга битта винтни ҳам ололмайсиз. Шуни берганига минг қатла шукр! Нима, ракетамидики, космосга учсак. Бузилса ерда, тузатиб минаверамиз.

Орага оғир сукунат чўкди.

— Ҳамдамовни эшитдингизми? Саккиз йилга кесибдилар, — дея носфуруш суҳбат ўзанини бошқа томонга бурди. У қўшни қишлоқлик, яқинда қинғирлик устида қўлга тушган савдо базасининг омбор мудирини айтаётганди.

— Ҳа, бечорага жабр бўлибди, — дея ачиндилар Тоғам.

— Ўзиям кўзини бутунлай ёғ босиб, туққан онасиниям танимай қолувди.

— Халқнинг ҳаққини еганини оқибати шу, — дедилар Тоғам афсусланган кўйи. — Ҳаром ҳеч қачон буюрмайди, — кейин менга юзландилар. — Қара, жиян. Данғиллама ҳовлижойлар, беҳисоб мол-дунё қолди. Ўзи зах қамоқхонада ётибди. Одамлар ҳам қизиқ, бола- чақасининг бошида, борига шукр қилиб, соғлиги, тинчлигининг қадрига етиб юрмайдими.

— Шокир теричининг уйи қуйибдида, — Райим носфуруш гўё ҳозир ичини таталаётган шу янгиликни ҳам айтмаса ёрилиб кетадигандек эди.

— Нега? — ҳайрон қолдилар Тоғам томдан тараша тушгандек айтилган бу гапдан. — Ишқилиб, ўзи, бола-чақасига зиён етмабдими?

— Уйини ўғри урибди, — носфурушнинг чеҳрасига табассум югурди. — Бор будини шипириб кетибдилар. Ўзиям ўғрилар кимни уйига тушишни билиб кирадиларми, дейман. "Ҳай"дан келган "ҳуй"га кетаркан.

— Шунақа ғийбат гапларни қўйинг, Райимбек, — чўрт кесдилар Тоғам. Гап оҳангларида оғриниш, тоқатлари тоқлиги сезилиб турарди. — Уйга кирсангиз ана, чой. Жиян келибди, суҳбатлашиб ўтирамиз.

— Йўқ, мен борай, — носфуруш кетиш учун тараддудланди. — Ишқилиб ўғри топилармикин, дейманда.

— Топилмай қаерга боради. Бир кун қўлга тушади. Бир умр ўғрилик қилиб барака топган одам йўқ, — дедилар Тоғам. — Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади.

— Облоқул уйида бўлса керак?

— Билмадим.

Райим носфуруш кетгач Тоғам билан Абдулла Ориповнинг "Шарқ юлдузи"да босилган туркум шеърлари, бошқа ёш ижодкорларнинг янги асарлари, менинг ўқишим ва пойтахтдаги адабий муҳит, ўзлари танийдиган курсдош дўстларим ҳақида анчагина фикрлашиб ўтирдик.

* * *

Беш-олти йил ўтгач зарурият туғилиб, Тоғам "Жигули"ни сотдилар. Пулининг бир қисмини турли жиҳозларга сарфлаб, рўзғорни бутладилар, қолганига машина миниб юрган одам эмасми, пиёда қолмаслик учун "Запорожец" харид қилдилар. Бу пайтда мен ўқишни битириб, шаҳарда ишлардим. Бир куни уйга бораётиб йўл-йўлакай Тоғамникига кирдим. "Қандай бўлиб келибсан, жиян, ўтир, бир кўнгил чигилини ёзайлик, кейин ўзим элтиб қўяман", деб туриб олдилар. Дастурхон ёзилди. Ҳангома қизиб, алламаҳалгача қолиб кетдим. Тоғам "Запорожец" билан уйга келтириб қўйдилар.

— "Запорожец" зўр машинада, жиян, — дедилар йўл-йўлакай рулга кафтларини уриб. — "Жигули" элтадиган жойга шуям элтади. Енгилгина. Бунинг устига бензин ҳам кам кетади. Запчасти, баллонлари арзон. Битта рўзғорга бемалол етади.

Тоғам шу тахлит "Запорожец"ни мақтаб борардилар.

* * *

Орадан анча вақт ўтди. Бир куни тоғамларникига бордим. Одатдагидай дарвозахонада турадиган "Запорожец" кўринмасди. Хаёлимдан "Тоғам йўқлар шекилли, бирор жойга кетган бўлсалар керакда", деган фикр кечди. Шу пайт истиқболимга қучоқ очиб Тоғам чиқиб келдилар. Қуюқ, меҳр билан саломлашиб-сўрашдик.

— "Запорожец" кўринмайдими? — дедим табиий бир қизиқиш билан.

— Қарийб беш йил хизмат қилди, жиян, — дедилар Тоғам юзларида табассум балқиб. — Моторини янгиладим. Бешолти марта балон алмаштириб миндим. Ками қолмади. Энди ўғилга бердим. Ишхонаси узоқроқ. Бориб-келиб юради.

— Ўзингиз пиёда қолибсизда, — дедим ҳазил аралаш. — Доим уловда юрган одам пиёда қолса оғир ботса керак.

—Нега ундай дейсан, ана, мотоцикл олдик, — дедилар айвон томонга ишора қилиб. Шундагина устунга суяб қўйилган "Восход" русумли мотоциклга кўзим тушди. — Мотоцикл зўр экан, жиян, — дедилар Тоғам қувончларини юракларига сиғдиролмай. — Тўрт томони очиқ. Ёзда шабада қидириб ўтирмайсан. Одам юрадиган йўлакчадан ҳам бемалол ўтади. "Запорожец" элтган жойга шу билан ҳам борамиз. Бензинини айтмайсанми. Машинанинг бензини билан бир ой минасан. Бунинг устига бензинга салярка қўшилган, деб хуноб бўлиб юрмайсан.

Тоғамнинг нигоҳларида болаларча самимият, мамнунлик ифодаси балқиб турарди. Ўзаро суҳбатлашаётиб беихтиёр бир воқеа ёдимга тушди.

Яқинда олган "Жигули"мда қишлоққа боргандим. Дарвозахона олдида акамнинг кенжатой ўғилчалари ўйнаб ўтирган экан. Гапга солиб кузатиб турдим. Қўлида ўйинчоқ юк машинаси. Қутисига бир ҳовуч тупроқ ташлайди-ю, лунжларини шишириб "вув-вув"лаб қўли билан машинани суриб боради. Қутисини кўтариб "юк"ини бўшатиб ортига қайтади ва яна қум ортишга тутинади.

— Машиналарни алмашамизми? — унга қўлимдаги калитни узатдим.

— Йўқ.

— Кел, хўп, де, алмашайлик. Қара, бу зўр, ўзи юради.

— Йўқ! — болакай машинамни олиб қўяди, деб чўчидими, лаблари чўзилиб, кўзларида ёш ҳалқаланди. Машинасини маҳкам бағримлаб олди. Унга шу лаҳзада ўйинчоғи дунёдаги жамики бойликлардан устун ва қадрлироқ эди.

— Қўй, майли, алмашмаймиз, — дедим унинг йиғлаб юборишидан чўчиб.

Шу зумда Тоғамнинг назарларида ҳам мотоцикл "Жигули"ю, "Волга"дан ҳам ўн чандон афзал эди.

* * *

Бир куни шаҳардан қайтаётганимда қишлоқ йўлида Тоғам учраб қолдилар. У киши велосипедда келардилар. Рулга катта сумка илинган. Машинамни тўхтатиб, саломлашдим.

— Қани, жиян, уйга юр, — деб туриб олдилар. — Бозордан келяпман. Ана, тоза гўшт олганман. Янганга кабоб пиширтириб, бир мирқиқ ўтирайлик.

— Аввал уйга кирай, кейин ўтарман, — тоғамнинг таклифига монеълик билдириш баробарида табиий қизиқиш билан. — Мотоцикл қани? — деб сўрадим.

— Мотоцикл бузуқ, жиян. Тилига унча тушунмайман, — дедилар Тоғам ва велосипеднинг ўриндиғига кафтларини уриб қўйдилар. — Аслида ҳаммасидан велосипед яхши экан. Оёқлар ҳаракат қилади. Тетик юрасан.

Тоғам велосипеднинг чидамлилиги, бузилган тақдирда осон ва тез тузатиш мумкинлиги, қисмларининг арзонлиги ва йўлда юриш учун ниҳоятда қулайлиги тўғрисида яйраб гапирардилар.

* * *

8 март эди. Онамни табриклаш учун қишлоққа бордим. Кечга яқин Тоғам кириб келдилар.

— Опамни табриклай дедим, — Тоғам юз-кўзларида меҳр балқиб, қўлларида газетага ўроғлик нарсани онамга узатдилар. — Мана, опа, бу сизга.

Тоғам уловларини кўчага қўйиб келгандирлар, деган фикрда гап орасида сўрадим:

— Велик ташқарида бўлса, киритиб қўяй. Яна битта-яримта миниб кетмасин.

—Велик тўғри келмади, жиян, — дедилар Тоғам кулгу аралаш. — Ҳозир пиёдамиз. Қайтанга, яёв юрсанг яхши экан. Жисмоний тарбия. Соғликка яхши. Қўл-оёқларингнинг томири ёзилади. Истаган жойдан юриб келаверасан. Бензинни ўйламайсан. ДАН нега қоидани буздинг, техпаспортинг, ҳужжатинг қани, жарима тўлайсан, демайди.

Тоғам фикримча, пиёдаликларидан улов миниб юргандан ҳам кўпроқ хурсанд эдилар. Гап оҳангларида заррача сохталик, оғриниш ифодаси йўқ эди. Назаримда Тоғамнинг мулоҳазаларида, ҳаётдан ҳамиша миннатдорчиликлари замирида ҳам кўпчилик бир умр англаб етолмайдиган ёки тушуниб етишга ожизлик қиладиган улуғлик, теран фалсафа мужассам эди. У киши билан даврага ўзгача файз, шукроналик кириб келганди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Hikoya

ҚАНОАТ

Xullas...

АБСЕЙЛИНГ — АЛЬПИНИЗМНИНГ ТЕСКАРИСИ

Кимда-ким альпинизмни яқин даврларда пайдо бўлган спорт тури деб эътироф этса, янглишади. Қадимий Ганнибалдаги лашкарбошилардан бири альпинизмнинг асосчиси бўлган экан.

Спортнинг бу тури кейинчалик, XVIII аср охирларида Европада ривожланди. 1766 йилда швейцариялик олим Горацио—Бенедикт Монблан чўққисига чиққан киши жуда катта совринга эга бўлишини ваъда қилди. Ишқибозлар кам эмасди. Аммо ўша кезда ҳеч ким бу чўққини забт этолмаган. Фақат орадан 20 йил ўтиб, яъни 1786 йилдагина ўша чўққининг учига чиққан киши ҳақиқий альпинист дея тан олинди.

XIX аср охирларига келиб, чўққига тирмашиб чиқишни ўзига касб қилиб олганлар сони кескин ошди. Аммо дунёдаги энг баланд чўққи Эверест 1953 йилдагина ўз альпинистини топди.

Кейинги йилларда альпинизмнинг акси бўлган янги спорт тури — абсейлинг билан шуғулланиш "мода"га кирди. Бунда альпинист пастдан баландга қараб эмас, аксинча баланд чўққидан пастликка қараб тушади. Албатта, арқон чўққининг бирор жойига маҳкамланган бўлиши керак. Ва шундан сўнг улкан тоғни қиялаб тушувчи альпинист ўзини хотиржам сезиши ва маррани забт этиши мумкин, деб хабар беради Шотландияда чиқадиган "Скотсмен" газетаси.

ЭРКИНЛИККА НИМА ЕТСИН

Ҳаёт — бу жуфтлик. Бир разм солиб кўринг-а, жуфти бўлмаган нарса учрайдими? Ёлғизлик фақат Эгамга хос.

Молдавиянинг Бельц шаҳарчаси эса кўплаб ёлғиз эркаклар яшаши билан донг таратган. Ишонинг-ишонманг, ҳар юз нафар шаҳарлик эркакдан қирқ нафари бўйдоқ! Ўзларининг доимий жуфти ҳалолига эга бўлмаган бу жаноблар уйланишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ёшлари ҳам, бир жойга бориб қолган.

Худди шу масала устида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар буни нима билан изоҳлашга ҳам ҳайрон. Шаҳарчада хотин-қизлар етишмайди дейиш, ҳақиқатга зид. Улар эркакларга нисбатан кўпроқ.

Тадқиқотчилар тарқатган анкета масалани ойдинлаштирди. Ўз жуфтини топиш уларга муаммо эмас, аммо оилани ҳар жиҳатдан таъминлаш, фарзанд тарбияси сингари мажбуриятлар уларга сира ёқмас экан. "Эркинликка нима етсин! Ахир нима учун "оила" деб аталган "зиндон"га ўзимизни қамашимиз керак?" дейишади ёлғизликни шиор қилиб олган "бўйдоқлар".

Ажаб дунё экан-да...

МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ ҚАЧОНДАН БЕРИ ЎЙНАЛАДИ?

Футбол, чиндан ҳам миллионлар ўйини. У Ер юзидаги энг ардоқли ва оммавий ўйин. Ҳаттоки, у билан шуғулланмаса-да, футбол майдонига оёғини қўлига олиб югурадиган мухлислар ҳам миллиардлаб.

Ашаддий ишқибозлар бу ўйинни яқин йиллардан бери ўйналади, деб ўйлашарди. Лекин унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалар экан. 1580 йилда Италияда босилиб чиққан "Футбол ўйини курси" бу ўйиннинг тарихидан далолат беради.

Шунга қараганда, футболнинг Ватани — Италия бўлиши керак. Бу китобда футболни қай тарзда ўйнаш хусусида маслаҳатлар берилган.

ana shunaqa gaplar

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Ko'ngil bitiklari

КАРВОН ХИТОБИ

Ўлан айтган қизларжон,
Ёр-ёрингни қўйсанг-чи!
Дугонанг кетди арзон,
Дийдорига тўйсанг-чи!

Ҳўнг-ҳўнг йиғлар келинчак,
Бир дам қулоқ оссанг-чи!
Бағрин тиғлар келинчак
Даво, малҳам боссанг-чи!

Зор йиғласа, бағри қон,
Сенлар ёр-ёр дейсан-а,
Бир яхшига бир ёмон,
Ҳар жойда бор дейсан-а.

Бир яхшига ёмонни
Ўзи қилди дугонанг,
Камбағал деб Омонни,
Бағрин тилди дугонанг.

Ваъдалар ёлғон экан,
Бойлар бойга боқди-я.
Азалдан қолган экан,
Сойлар сойга оқди-я.

Кимга аза, кимга тўй,
Ёр-ёрингни айтавер.
Бизга нима, самантой,
Аравангни тортавер.

Абдулла ЙИЛТИР ўғли,
Балиқчи туманидаги
3-мактаб ўқитувчиси

* * *

Эгнимдаги кўйлагим — Вафо,
Гуллари — эрур ҳаёдан.
Бошимдаги рўмол — садоқат,
Мерос менга Момо Ҳаводан.

Тонгги нурга юзларим чайдим,
Нурга чайдим ичим, ташимни.
Яхшиликка йўғирдим, йўйдим,
Саҳар туриб, кўрган тушимни.

Асолат АҲМАТҚУЛ қизи,
Даштобод шаҳридаги
65-мактаб ўқитувчиси

ВАФОГА ЕТАЙЛИК КЎЗ ЁШСИЗ

Орзулари ойни кўзлаган,
Юлдузларга дардин сўзлаган.
Тунлардан чеҳрангиз излаган,
Бир кўнгил бор Сизни соғинган.

Қўлингизни бир марта тутган,
Азобли дунёни унутган,
Суратингиз кўзига суртган
Бир кўнгил бор сизни соғинган.

Ҳаёли висолга айланган,
Меҳрингиз юракка жойланган,
Андишадан йўли бойланган,
Бир кўнгил бор сизни соғинган.

Тунлари меҳрибон йўлдошсиз,
Кундузи чароғон қуёшсиз.
Вафога етайлик кўз ёшсиз,
Бир кўнгил бор сизни соғинган.

Саодат САБО,
Оқдарё туманидаги 63-мактаб
ўқитувчиси

AMERICAN COUNCILS
FOR INTERNATIONAL EDUCATION
АСПРЯЛ АКСЕЛС

Диққат ўқувчилар: Сиз АҚШда ўқишни истайсизми?

Шаҳар	Имтиҳон кунлари	Имтиҳон ўтказиш жойи
Фарғона	17 сентябрь	Фарғона Давлат университети
Термиз	17 сентябрь	Термиз академик лицейи
Нукус	21 сентябрь	Нукус Давлат университети қошидаги лицей
Наманган	20 сентябрь	Муҳандис-педагогика институти
Бухоро	26 сентябрь	Малака ошириш институти
Қарши	29 сентябрь	Қарши Давлат университети
Урганч	24 сентябрь	3-ўрта мактаб
Тошкент вил.	1 октябрь	Ҳозирча номаълум
Самарқанд	2 октябрь	Чет тиллар институти
Андижон	5 октябрь	Андижон Давлат университети
Тошкент	11-13 октябрь	Ҳозирча номаълум

Тестлар соат 9.00 да бошланади

Қатнашчиларга қўйиладиган талаблар:

- FSA-FLEX дастурида қатнашишни истаганлар қуйидаги **БАРЧА** талабларга жавоб беришлари шарт:
- 1986 йил 1 январдан 1987 йил 15 июлгача туғилган.
- 9-10 синф ёки академик лицей ва коллежларнинг 1-2-курсида ўқийдиган.
- Сўнгги 5 йил ичида АҚШда 3 ойдан ортиқ яшамаган.
- Америка иммиграция визасига ариза бермаган.
- Ўрта мактаб даражасида инглиз тилини биладиган.
- Ўзбекистон фуқароси бўлган.
- АҚШ визасини олишга лаёқатли бўлган.
- Қатнашчилар ўзлари билан туғилганликлари ҳақида гувоҳноманинг асл нусхасини, паспорт ҳажмидаги фотосурат ва ручка олиб келишлари шарт.
- Конскурсда, шунингдек, жисмоний ногирон ўқувчилар ҳам қатнашиши мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефон рақамлари:
Тошкент: 152-12-81, 152-12-86
Самарқанд: 31-18-16, 31-22-08
Бухоро: 4-22-46
Наманган: 6-27-50, 6-19-19
Нукус: 222-89-57, 222-88-67.

АКСЕЛС ташкилоти АҚШ элчихонаси, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига дастурни қўллаб-қувватлаганликлари учун миннатдорчилик билдиради.
Мазкур дастур АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилади.

ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ ҲАЙТОМАЛАРИ

ТЎЙГА АЙТМАЙМАН УЛАРНИ?

Мен уйлансам, икки кишини тўйимга айтмайман.

— Кимларни айтмайсиз, Юсуфжон?

— Дадам билан бувимни.

— Ие, нега уларни айтмайсиз?

— Чунки, улар ҳам тўй қилганларида мени айтишмаган.

***

ЙЎТАЛНИНГ ДАВОСИ

Шаҳар марказидаги Оталар чойхонасида суҳбат, ҳангомалар қизиган пайт. Усмон қизиқ тинимсиз бағиллаб йўталиб, гапни-гапга қовуштирмасди.

— Уста, шу йўтал зорманданинг давоси бормикин, ишқилиб, — ҳансираб сўради Усмон қизиқ.

— Бор, - деди Юсуфжон қизиқ, уйнинг шифига осилган узум енг, Самарқанд майизидан енг, ҳар куни ёнғоқ чақиб енг.

— Ие, унда баттар бўлмайдими?

— Бўлади. Сиз йўталдан қутуласиз. Мен сиздан қутуламан.

***

ШОГИРД

Маҳсидўз устага шогирд тушган бола бир йилда игнага ип-плиска ўтказишни аранг ўрганди.

— Аста-секин маҳси тикишни ўрганиб кетармана-а? — деб сўради у дўконга келган Юсуфжон қизиқдан.

— Ҳа, — деди Юсуфжон қизиқ, киноларда кўряпсан маймунлар шахмат ўйнаяпти, айиқ велосипед миняпти.

Ҳаракат қилаверсанг, кўз юмгунингча ўрганиб кетасан.

Ҳамид УСМОН

"АБАЖУР" СКАНВОРДИ



Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-729.
Тиражи 23789 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Камолиддин АЛИОХУНОВ,
Навбатчи:
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 22.00